

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

27-сон  
(1151)  
2024 йил  
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

- «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 2 июлдаги ЎРҚ-934-сон Қонуни
- «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 2 июлдаги ЎРҚ-935-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

- «Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида давлат бошқаруви тизимини та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 июлдаги ПФ-98-сон Фармони
- «Йўллар ва йўл инфратузилмасининг яхши ҳолатда сақланишини таъминлаш ҳамда худудларни ободонлаштириш бўйича амалдаги меҳа-

низмларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 июлдаги ПҚ-241-сон қарори

### ***Учинчи бўлим***

222. «Кишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суфурталашда суфурта мукофоти учун тўлов харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 2 июлдаги 373-сон қарори

### ***Бешинчи бўлим***

223. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг 2024 йил 20 июндаги 12-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 19 июндаги 7-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати “Темурбеклар мактаби” ва “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейларига ўқишига кираётган фуқаролар ҳамда тахсил олаётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3524*)
224. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasini huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil 26-iyundagi 2024-08-son “Yuridik shaxslarni yirik soliq to‘lovchilar toifasiga kiritishning mezonlarini belgilash to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘sishmchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 1-iyulda ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 3172-3*)
225. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 30 майдаги 7-қ/қ-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2024 йил 20 майдаги 7-2024/ҚҚ-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 20 майдаги 124-сон “Академик лицей, касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-3*)
226. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2024 йил 30 майдаги 8-2024/Б-сон “Йифма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

тomonidan 2024 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967-4)

227. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 19-iyundagi 21/3-son “To'lov tizimi operatorlari va to'lov tashkilotlari faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 4-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3431-1*)
228. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 22 майдаги 125-сон “Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3525*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқукий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

# 218

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-  
га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
11 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 22 июнда  
маъқулланган

Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш, депутатлар ва сенаторларнинг ўз конституциявий ваколатларини амалга ошириши учун қўшимча кафолатлар яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, уларнинг сайловчилар ва уларни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партиялар билан алоқаларини сақлаб туриши учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Шу билан бирга депутатлар ва сенаторлар томонидан одоб-ахлоқ қоидалирига риоя этилишини, уларнинг парламент ва унинг органлари фаолиятида тўлиқ иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг ўзи сайланган вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларининг хукуқий асосларини янада такомиллаштириш зарур. Шунингдек сиёсий партиялар фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш ва мамлакатимизда хорижий давлатларнинг сиёсий партиялар фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш талаб этилади.

Мазкур Қонун билан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий давлатларнинг сиёсий партияларини, уларнинг бўлинмаларини ташкил этишга ва уларнинг фаолияти амалга оширилишига ўйл қўйилмаслигини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Шунингдек «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажмини кўпайтиришни, шунингдек Қонунчилик палатасига охирги сайлов натижаларига асосан давлат маблағларини олиш хукуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида ушбу маблағларнинг тақсимланиш тартибини ўзгартиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига Конунчилик палатаси депутатлари-нинг, Сенат аъзоларининг ва маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш асосларини, шунингдек ўз вазифаларини ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун уларга нисбатан қўлланиладиган тартибга солиш чораларини аниqlаштиришни назарда тутивчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига ушбу Конун қоидаларининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган қўшимча киритилмоқда.

Ушбу Конун сиёсий партиялар фаолиятини мустаҳкамлашга, депутатлар ва сенаторларнинг ўз вазифаларини бажариш чоғидаги масъулиятини оширишга, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишига, шунингдек уларнинг дахлсизлик хуқуқини тўлақонли таъминлашга хизмат қиласди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Сиёсий партиялар тўғрисида»**ги 337-I-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 588-модда, № 10, 674-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 203-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) **6-моддаси** қўйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг сиёсий партияларини, уларнинг бўлинмаларини ташкил этишга ва уларнинг фаолияти амалга оширилишига йўл қўйилмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»**ги 617-II-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 86-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда) **7-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

**иккинчи қисмидаги** «1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг икки фоизини» деган сўзлар «1 сентябридаги ҳолатга кўра белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг икки ярим фоизини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг иккинчи қисмida кўрсатилган давлат маблағларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Конунчилик палатасига охирги сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан

аниқланган натижаларига асосан бу маблағларни олиш ҳукуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида қўйидаги тартибда тақсимлайди:

ажратиладиган маблағларнинг қирқ фоизи сиёсий партиялар ўртасида тенг миқдорда;

ажратиладиган маблағларнинг олтмиш фоизи сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида олган депутатлик ўринлари миқдорига мутаносиб равишда»;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бунда Қонунчилик палатаси депутатларининг сони ўзгарган тақдирда, давлат маблағларини қайта тақсимлаш амалга оширилмайди».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида**»-ги 704-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 588-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2023 йил, № 12, 1003-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

#### 1) 4-модда:

##### **иккинчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **бешинчи — саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«депутат, Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ҳақ тўланадиган тегишли турдаги фаолият билан шуғулланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида огохлантириш олганидан кейин ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият (илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари) билан шуғулланган тақдирда;

тегишли палата, сиёсий партия фракцияси, ўзи таркибига сайланган қўмита, комиссия фаолиятида бир календарь йил ичida ўттиз ёки ундан ортиқ иш куни узрли сабабларсиз иштирок этмаган тақдирда;

чет давлатнинг доимий яшаш гувоҳномасини ёки чет давлат худудида доимий яшаш ҳукуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни олган тақдирда;

партия рўйхати асосида сайланган депутат ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия аъзолигидан чиққан тақдирда»;

**бешинчи — ўнинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилади»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансан;

2) **8-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Депутат, сенатор тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисларида, шунингдек ўзи таркибига кирган сиёсий партия фракцияларининг, палатанинг қайси қўмитаси, комиссияси таркибига, келишув комиссияси таркибига сайланган бўлса, шу қўмита, комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг регламентларида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт.

Қонунчилик палатаси, Сенат, сиёсий партия фракцияси, қўмита, комиссия, келишув комиссияси мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, депутат, сенатор бу ҳақда тегишинча Қонунчилик палатаси Спикерига, Сенат Раисига, сиёсий партия фракцияси раҳбарига, қўмита, комиссия раисига, келишув комиссиясининг тегишли палатадан сайланган ҳамраисига олдиндан хабар қилиши шарт»;

3) **11-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Депутатнинг, сенаторнинг одоб-ахлоқ қоидалари тегишинча Қонунчилик палатаси ва Сенат қарори билан тасдиқланади.

Депутатнинг, сенаторнинг одоб-ахлоқ қоидалари бузилган тақдирда депутатнинг, сенаторнинг хулқ-автори тўғрисидаги масала тегишли палата ёки унинг одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилиши мумкин»;

4) қўйидаги мазмундаги **11<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«11<sup>1</sup>-модда. Депутатнинг, сенаторнинг одоб-ахлоқ қоидалари депутат, сенатор томонидан бузилганлиги учун қўлланиладиган чоралар**

Депутатнинг, сенаторнинг одоб-ахлоқ қоидалари депутат, сенатор томонидан бузилганлиги учун депутатга, сенаторга нисбатан қўйидаги таъсир чоралари қўлланилиши мумкин:

депутатнинг, сенаторнинг одоб-ахлоқ қоидаларини бузишга йўл қўйил-маслиги кўрсатиб ўтилган ҳолда депутатга, сенаторга огохлантириш бериш;

депутатдан, сенатордан тегишинча Қонунчилик палатаси, Сенат, шунингдек ўзи таркибига сайланган қўмита, комиссия мажлисларида узр сўрашни талаб қилиш;

депутатнинг, сенаторнинг одоб-ахлоқ қоидалари бузилишига депутат, сенатор томонидан йўл қўйилганлиги фактини палата мажлисида ўқиб эшиттириш;

депутатнинг, Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш;

депутатнинг, сенаторнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.

Депутат, Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор тегишли палата, ўзи таркибига кирган сиёсий партия фракцияси, шунингдек ўзи таркибига сайланган қўмита, комиссия мажлисларида узрли сабабларсиз иштирок этмаган тақдирда, ҳар бир иштирок этилмаган ҳолат учун депутатнинг, Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторнинг бир кунлик иш ҳақи уларнинг розилигигиз ушлаб қолинади. Бунда депутатнинг, сенаторнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги, хизмат сафарида, меҳнат таътилида ёки ижтимоий таътил-

да бўлганлиги, шунингдек Конунчилик палатаси Спикерига, Сенат Раисига, сиёсий партия фракцияси раҳбарига, қўмита, комиссия раисига олдиндан ха-бар берилган, мазкур мажлисларда иштирок этмасликнинг бошқа сабаблари тегишли палата, ўзи таркибига кирган сиёсий партия фракцияси, шунингдек ўзи таркибига сайланган қўмита, комиссия мажлисларида иштирок этмасли-ги учун узрли сабаблар хисобланади.

Депутатнинг, сенаторнинг одоб-ахлоқ қоидалари бузилган тақдирда, одоб-ахлоқ комиссияси ёки тегишли палата, унинг Кенгаши қарорига асосан депутатнинг, сенаторнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала кўриб чиқилади ҳамда унга нисбатан ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчι ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилади. Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган таъсир чораси тегишли палата Кенгашининг қарорларига асосан қўлланила-ди, ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган таъсир чораси эса тегишли палатанинг қарорларига асосан қўлланилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қи-линган «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депу-татини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги 708-II-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси пала-таларининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **1-моддаси-нинг тўртинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«депутатнинг, сенаторнинг қонунчиликда назарда тутилган ўз вазифа-ларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармаганлиги, шу жумла-дан тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг (бундан бўён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-тининг (бундан бўён матнда Сенат деб юритилади), улар органларининг топ-ширикларини бажармаганлиги».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши де-путатининг мақоми тўғрисида»ги 706-II-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 574-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 3-модданинг учинчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** билан тўл-дирилсин:

«тегишли халқ депутатлари Кенгашининг, мазкур Кенгаш томонидан ту-

зилган, ўзи таркибиға сайланган комиссиянинг мажлисларида бир календарь йил ичида ўттиз ёки ундан ортиқ иш куни узрли сабабларсиз иштирок этмаган тақдирда;

чет давлатнинг доимий яшаш гувоҳномасини ёки чет давлат ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни олган тақдирда»;

**тўртинчи — тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи — ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда учинчи қисмининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда депутатнинг ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилади»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансан;

2) **9-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Депутатнинг одоб-ахлоқ қоидалари тегишли халқ депутатлари Кенгashi томонидан тасдиқланади.

Депутатнинг одоб-ахлоқ қоидалари бузилган тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли халқ депутатлари Кенгashi ёки унинг одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилиши мумкин»;

3) қўйидаги мазмундаги **9<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

#### **«9<sup>1</sup>-модда. Депутатнинг одоб-ахлоқ қоидалари депутат томонидан бузилганлиги учун қўлланиладиган чоралар**

Депутатнинг одоб-ахлоқ қоидалари депутат томонидан бузилганлиги учун депутатга нисбатан қўйидаги таъсир чоралари қўлланилиши мумкин:

депутатнинг одоб-ахлоқ қоидаларини бузишга йўл қўйилмаслиги кўрсашиб ўтилган ҳолда депутатга огоҳлантириш бериш;

депутатдан тегишли халқ депутатлари Кенгashi, шунингдек ўзи таркибиға сайланган комиссия мажлисларида узр сўрашни талаб қилиш;

депутатнинг одоб-ахлоқ қоидалари бузилишига депутат томонидан йўл қўйилганлиги фактини тегишли халқ депутатлари Кенгashi мажлисида ўқиб эшилтириш;

депутатнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.

Депутатнинг одоб-ахлоқ қоидалари бузилган тақдирда, одоб-ахлоқ комиссияси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгashi қарорига асосан депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала кўриб чиқлади ва унга нисбатан ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилади. Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган таъсир чораси тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарорига асосан қўлланилади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ-798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4,

265-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) **269-моддасининг иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:  
«7) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**9-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 июль,  
ЎРҚ-934-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**219****Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
23 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 18 майда  
маъқулланган

Ушбу Қонун билан «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, уларга биноан «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишга доир фаолият лицензияланадиган фаолиятнинг алоҳида тури сифатида белгиланмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси мазкур соҳадаги лицензияловчи ваколатли орган сифатида белгиланмоқда.

Бундан ташкари «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолиятга лицензия берганлик учун тўланадиган давлат божи ставкаси микдорини белгиловчи қўшимча киритилмоқда.

Ушбу Қонун «Умра» зиёратини амалга оширадиган фуқароларга яна-да қулай шарт-шароитлар яратишга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатлари тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда бундай фаолият билан шуфулланувчи юридик шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ-600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар) **илованинг 28-банди** қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«

<b>28. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи:</b>	
а) диний таълим муассасаларининг фаолияти	— БХМнинг 10 баравари
б) «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият	— БХМнинг 10 баравари

».

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 июлда эълон қилинган.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ-701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710, № 11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар) куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан:

**1) 1-илова:**

**45-позициясининг «Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар»** деган **устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита»** деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсан; куйидаги мазмундаги **51-позиция** билан тўлдирилсан:

«

51.	«Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият учун лицензия	«Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишга доир фаолият.	Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси
-----	---	--	--

»;

**2) 2-илова** куйидаги мазмундаги **123-позиция** билан тўлдирилсан:

«

123.	Давлат харидлари электрон тизими оператори фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома	Давлат харидларининг субъектларига давлат харидлари электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
------	---	---	---

»;

**3) 4-илованинг:**

**I бўлими** куйидаги мазмундаги **44-позиция** билан тўлдирилсан:

«

44.	«Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият учун лицензия	200
-----	---	-----

»;

**II бўлими** куйидаги мазмундаги **113-позиция** билан тўлдирилсан

«

113.	Давлат харидлари электрон тизими оператори фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома	200
------	---	-----

».

**З-модда.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсинг;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 июль,  
ЎРҚ-935-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **220 Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида давлат бошқаруви тизимини ташкил қилиш, ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни самарали ҳал этиш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда мактабгача таълим йўналишида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш мақсадида\***

Мактабгача ва мактаб таълимида яхлит давлат бошқаруви тизимини ташкил қилиш, ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни самарали ҳал этиш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда мактабгача таълим йўналишида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Мактабгача таълим агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятини тугатиш ҳамда Агентликнинг ташкилий тузилмасидаги ташкилотларни 1-иловага мувофиқ вазирлик тасарруфига ўtkазиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги зиммасига қўйидаги қўшимча функцияларни бажариш юклатилсин:

илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача таълим ва тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини жорий этиш;

мактабгача таълимнинг ўқув режа, дастур ва ўқув-методик мажмууларини такомиллаштириш, уларнинг умумий ўрта таълим дастурлари билан узвийлигини таъминлаш;

давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари орасида соғлом рақобат мухитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим билан босқичма-босқич қамраб олинишини таъминлаш;

нодавлат ва давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари тармоини кенгайтириш, уларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ субсидия ва компенсациялар ажратиш, берилаётган давлат кўмагининг самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан таъсирчан назоратни ўрнатиш;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш;

соҳада замонавий ахборот технологияларини кўллаш, бошқарув жараёнига замонавий ахборот технологияларини кўллаш, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш ва ҳужжатлар айланмасини қисқартириш орқали мактабгача таълим хизматлари сифатини ошириш.

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2024 йил 4 июляда эълон қилинган.

3. Мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида Агентлик фаолиятини тугатиш натижасида мақбуллаштириладиган 66 та штат бирликлари қўйидагича тақсимлансин:

39 та штат бирлиги — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг марказий аппаратига;

14 та штат бирлиги — Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармаларига;

13 та штат бирлиги — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларининг методик хизмат кўрсатиш бўлимларига берилсин.

4. Белгилансинки, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Агентликнинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича хуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Агентликнинг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-йўл манзилидаги бино-иншоотлари оператив бошқарув хуқуқи асосида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 июль,  
ПФ-98-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 2 июлдаги  
ПФ-98-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Мактабгача таълим агентлиги ташкилий тузилмасидан  
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тасарруфига  
ўтказилаётган ташкилотлар  
РЎЙХАТИ**

1.	Тошкент шаҳридаги «А.И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали
2.	Тошкент шаҳридаги Пучон университети
3.	«Имкон» реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари*
4.	Экспериментал давлат мактабгача таълим ташкилотлари
5.	«Ilk Qadam» (IQ) журнали таҳририяти» ДУК
6.	Педагогика коллажлари
7.	«Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази» МЧЖ
8.	Жаҳон банки билан ҳамкорликда «Болаларни эрта ёшдан ривожлантиришни такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш гурухи
9.	Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июнданги «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиши бўйича комплекс чора-тадбирлар тўгерисида»ги ПФ-82-сон Фармонига мувофиқ 2024 йил 1 августдан бошлиб «Имкон» реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тузилмасига ўтказиласади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 2 июлдаги  
ПФ-98-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Хукуматининг айрим хужжатлариға  
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармонида:

а) 1-илованинг «13. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» бўлими қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

<b>13. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</b>			
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	4 202	4 202	
шу жумладан вазир ўринбосарлари сони	4	4	
Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги	73	73	
шу жумладан директор ўринбосарлари сони	2	2	

»;

- б) 2-иловадан 13-банднинг 13.1-кичик банди чиқариб ташлансин;  
в) 2а-иловадан 13.1-позиция чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги «Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-79-сон Фармонида:

- а) 1-баннда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

б) 15-банднинг биринчи хатбошидан «, мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари — Мактабгача таълим агентлиги директори А.В. Шин» сўzlари чиқариб ташлансан;

- в) 3-илованинг\* матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

г) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3651-сон қарорида:

- а) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги «нархининг 50 фоизи миқдорида»

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сўзлари «учун қонунчиликда белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

47-банднинг учинчи хатбоисидаги «25 фоизи» сўзлари «20 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

58-банднинг учинчи хатбоисидаги «25 фоизи» сўзлари «20 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

98-банддаги «35 фоизи» сўзлари «25 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

103-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«103. Давлат шериги зиммасига лойиҳани амалга оширишда қўшимча равишда қўйидагиларни таъминлаш юқлатилади:

а) 2024 йил 1 августдан бошлаб Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчилариға 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотларида ушбу ходимлар учун белгиланган миқдорларда иш ҳақи тўлаш;

б) 2024 йил 1 августдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг 1 ва 2-тоифадаги туман (шаҳар)ларида фаолият юритаётган оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларга:

улар томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчилариға 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотларида ушбу ходимлар учун белгиланган иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш;

уларда таълим олаётган ҳар бир болани давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган нормативлар бўйича овқатлантириш, юмшоқ жиҳозлар (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинғичлар, қоп-кўрпа) ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш харажатларининг 75 фоизини қоплаш;

в) 2024 йил 1 августдан 2025 йил 1 январга қадар 3-тоифадаги туман (шаҳар)ларда фаолият юритаётган оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларга:

улар томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчилариға 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотларида ушбу ходимлар учун белгиланган иш ҳақининг 90 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш;

уларда таълим олаётган ҳар бир болани давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган нормативлар бўйича овқатлантириш, юмшоқ жиҳозлар (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинғичлар, қоп-кўрпа) ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш харажатларининг 90 фоизини қоплаш;

г) 2025 йил 1 январдан бошлаб 3-тоифадаги туман (шаҳар)ларда фаолият юритаётган оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларга:

улар томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчилариға 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотларида ушбу ходимлар учун белгиланган иш ҳақининг 85 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш;

уларда таълим олаётган ҳар бир болани давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган нормативлар бўйича овқатлантириш, юмшоқ

жихозлар (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинғичлар, қоп-кўрпа) ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш харажатларининг 85 фоизини қоплаш;

д) 4 ва 5-тоифадаги туман (шаҳар)ларда фаолият юритаётган оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларга:

улар томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиларига 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотларида ушбу ходимлар учун белгиланган миқдорларда иш ҳақини тўлаш;

уларда таълим олаётган ҳар бир болани давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган нормативлар бўйича овқатлантириш, юмшоқ жихозлар (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинғичлар, қоп-кўрпа) ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш;

е) 2021 йил 1 майдан бошлаб боқувчисини йўқотган аёллар фарзандарининг ота-оналар бадали тўловларини тегишли ҳудуддаги 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган миқдорларда қоплаш;

ж) мактабгача таълим туман бўлими томонидан услубий ёрдам кўрсатиш;

з) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда таълим ташкилотини мактабгача таълим ташкилотлари учун мўлжалланган мебель, ашё ва анжомлар билан жихозлашга кўмаклашиш;

и) жихозлар, асбоб-ускуналар ва ўқув материалларини фойдаланишга бериш;

к) тегишли қишлоқ врачлик пунктидан ёки қишлоқ оиласий поликлиникасидан тиббиёт ходимини бириклириш;

л) оиласий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ҳудудий мактабгача таълим бошқармалари орқали ўқув материаллари билан бепул таъминлаш»;

104-банднинг учинчи хатбошисидаги «70 фоизи» сўзлари «35 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августандаги «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 426-сон қарорида:

а) 2-иловада:

11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Оиласий МТТга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўйидаги субсидиялар тўланади:

а) 2024 йил 1 августдан бошлаб Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган оиласий МТТлар томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиларига иш ҳақини тўлаш учун — 9 соатлик иш режимидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида ушбу ходимлар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорларида;

б) 2024 йил 1 августдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва ви-

лоятларнинг 1 ва 2-тоифадаги туман (шахар)ларида фаолият юритаётган оиласвий МТТларга:

улар томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиларига иш ҳақини тўлаш учун — 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида;

уларда таълим олаётган ҳар бир болани овқатлантириш, юмшоқ жиҳозлар (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинғичлар, қоп-кўрпа) ҳамда дори-дармонлар билан таъминлашга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — давлат мактабгача таълим ташкилотларида белгиланган нормативларнинг 75 фоизи миқдорида;

б) 2024 йил 1 августдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар 3-тоифадаги туман (шахар)ларда фаолият юритаётган оиласвий МТТларга:

улар томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиларига иш ҳақини тўлаш учун — 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган иш ҳақининг 90 фоизи миқдорида;

уларда таълим олаётган ҳар бир болани овқатлантириш, юмшоқ жиҳозлар (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинғичлар, қоп-кўрпа) ҳамда дори-дармонлар билан таъминлашга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — давлат мактабгача таълим ташкилотларида белгиланган нормативларнинг 90 фоизи миқдорида;

г) 2025 йил 1 январдан бошлаб 3-тоифадаги туман (шахар)ларда фаолият юритаётган оиласвий МТТларга:

улар томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиларига иш ҳақини тўлаш учун — 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган иш ҳақининг 85 фоизи миқдорида;

уларда таълим олаётган ҳар бир болани овқатлантириш, юмшоқ жиҳозлар (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинғичлар, қоп-кўрпа) ҳамда дори-дармонлар билан таъминлашга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — давлат мактабгача таълим ташкилотларида белгиланган нормативларнинг 85 фоизи миқдорида;

д) 4 ва 5-тоифадаги туман (шахар)ларда фаолият юритаётган оиласвий МТТларга:

улар томонидан ёлланган тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиларига иш ҳақини тўлаш учун — 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорларида;

уларда таълим олаётган ҳар бир болани овқатлантириш, юмшоқ жиҳозлар (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинғичлар, қоп-кўрпа) ҳамда дори-дармонлар билан таъминлашга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — давлат мактабгача таълим ташкилотларида белгиланган нормативлар бўйича;

е) фарзанди оиласвий МТТда таълим ва тарбия олаётган боқувчисини йўқотган аёлларнинг ота-оналар бадали тўловларини қоплаш учун — тегишли худуддаги 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган ота-оналар бадали тўловлари миқдорида»;

қўйидаги мазмундаги 17<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«17<sup>1</sup>. Оилавий МТТларга бюджет субсидиялари муассасанинг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб мазкур Низомнинг 11-бандида келтирилган тузатиш коэффициентларини қўллаган холда хисобланади»;

б) З-иловада:

38-банднинг тўртинчи ва еттинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги «70 фоизи» сўзлари тегишли келишикдаги «35 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

55-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Оилавий МТТга Давлат бюджетидан қонунчиликда назарда тутилган шартлар ва миқдорларда субсидиялар ажратилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июндаги «Ҳамжамиятларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий фаровонликни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 350-сон қарорининг 7-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Марказ Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-й манзилидаги бино ва иншоатларда, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хузуридаги «Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази» МЧЖ — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Замон 3-тор кўчаси 1-й манзилидаги бино ва иншоатларда текин фойдаланиш хуқуқи асосида жойлаштирилсин».

*Изоҳ: мазкур илованинг 3 ва 4-банdlари 2024 йил 1 августдан эътиборан кучга киради.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**221 Йўллар ва йўл инфратузилмасининг яхши ҳолатда сақла-  
нишини таъминлаш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш  
бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш чора-тадбир-  
лари тўғрисида\***

Республикадаги автомобиль йўлларини яхшилаш, ички кўчаларни асфальт билан қоплаш ва замонавий пиёдалар йўлакчаларини барпо этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, бу мақсадлар учун биргина 2023 йилда 15 триллион 295 миллиард сўм, жумладан «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси бўйича 1 триллион 271 миллиард сўм ажратилган.

Шу билан бирга, йўлларнинг яхши ҳолатда сақланишини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича самарали механизмлар йўлга қўйилмаганлиги жойларда асфальт қопламаси ва тротуарларни назоратсиз бузиш ҳамда аввалги кўринишини тикламасдан ташлаб кетиш ҳолатлари кўпайишига шароит яратмоқда.

Умумий мулк ҳисобланган йўллар ва йўл инфратузилмасини асраб-авайлаш, шахарлар ва бошқа аҳоли пунктларига замонавий қиёфа баҳш этиш, шунингдек, бу борада фуқаролар ва юридик шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллалар, кўча ва йўллар, қишлоқ, туман ва шаҳарларни озода ҳолатда сақлаш, улардаги мавжуд инфратузилмани асраб-авайлаш, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ишларига давлат органлари ва ташкилотлари билан бир қаторда ҳар бир фуқаро ва ташкилот бирдек масъул эканлиги алоҳида таъқидлаб ўтилсин.

2. Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг амалдаги қонунчиликни белгиланган тартибда такомиллаштириш орқали 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб қўйидаги тартибни жорий этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

жисмоний шахслар ва мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай юридик шахс томонидан йўллар, тротуарлар ва бошқа йўл инфратузилмаси объектларида (кейинги ўринларда — йўл обьекти) қурилиш ишларини олиб бориши, йўл обьектини ҳар қандай кўринишда таъмирлаш, бузиш, қазиш, ўзгартириш ёки реконструкция қилиш (кейинги ўринларда — қурилиш ва таъмирлаш ишлари) фақатгина тегишли рухсатнома олингандан сўнг амалга оширилади;

рухсатномани расмийлаштириш ва бериш бўйича давлат хизматлари давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 5 кун муддатда кўрсатилади;

рухсатнома йўл обьектини балансида сақловчи вилоят ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари ёхуд бошқа ташкилотлар томонидан, коммуникация тармоқларидаги авария билан боғлиқ ёки бошқа кечикириб бўлмайдиган ҳолатларда эса туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан берилади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 июлда эълон қилинган.

рухсатномада йўл обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган шахс, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишнинг мақсади ва муддати, рухсатноманинг ҳақиқийлигини текшириш имконини берувчи QR-код, шунингдек, ушбу муддат ичидаги йўл обьектининг аввалги ҳолатини тикламаслик тегишли маъмурий ва фуқаровий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантириш кўрсатилади;

йўл обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш вақтида рухсатнома ҳамма учун қўринадиган жойга илиб қўйилиши ёки ҳар қандай шахснинг биринчи талабига кўра тақдим этилиши шарт ҳисобланади;

қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган жойда хавфсизлик чораларини кўриш масъулияти рухсатнома берилган шахс зиммасига юктади;

рухсатнома олмасдан туриб йўл обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қурилиш ва таъмирлаш ишлари майдонида белгиланган тартибда рухсатномани илиб қўймаслик ёки тақдим этмаслик, қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган жойда хавфсизлик чораларини кўрмаслик, шунингдек, қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг йўл обьектининг аввалги ҳолатини тиклаш бўйича мажбуриятни бажармаслик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

### 3. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

а) йўл обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишга рухсатнома бериш тартибини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

б) куйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

рухсатнома олмасдан туриб йўл обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қурилиш майдонида белгиланган тартибда рухсатномани илиб қўймаслик ёки тақдим этмаслик, қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган жойда хавфсизлик чораларини кўрмаслик, шунингдек, қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг йўл обьектининг аввалги ҳолатини тиклаш бўйича мажбуриятни бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни;

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартиришлар киритишини.

4. Адлия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган қоидалар қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этилганидан сўнг, йўл обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома «Лицензия» ахборот тизимида берилиши билан боғлиқ тегишли чора-тадбирлар кўрилишини таъминласин.

### 5. Белгилансинки:

йўл обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилганидан сўнг унинг аввалги кўринишини тикламаслик ҳолати юзасидан рухсатнома берган ташкилот ёки ҳудудий профилактика инспектори рухсатномада назарда тутилган қурилиш ишларини амалга ошириш муддати тугаган кундан

эътиборан 10 кунлик муддатда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ва етказилган моддий зарарни ундириш бўйича зарур чораларни кўриши шарт;

йўл обьектига етказилган моддий зарар микдори йўл обьектини балансида сақловчи маҳаллий ҳокимликлар ёхуд бошқа ташкилотлар томонидан қонунчилиқда белгиланган тартибда аниқланади;

рухсатнома олмасдан туриб йўл обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширганлик ёки йўл обьектининг аввалги ҳолатини тиклаш бўйича мажбуриятни бажармаслик ҳолати бўйича тегишли далилларни тақдим қилган ҳолда хуқуқбузарлик аниқланишига фаол ёрдам берган шахсларга ундирилган жариманинг 50 фоизи микдорида мукофот пули берилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси ва Шахарсозлик кодекси, шунингдек, амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бино ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки фойдаланувчилари ўзларига бириктирилган ер участкаси ва унга туташ ҳудудларда ободонлаштириш ишлари учун масъул эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ҳудудлар қиёфасини яхшилаш мақсадида эксперимент тариқасида 2024 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилаб берадиган муайян ҳудудда қўйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар амалга оширилсин:

фуқаролар ва юридик шахсларнинг уларга тегишли бино ва иншоотга туташ ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги масъулияти оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали ҳар бир маҳаллада маҳалла раислари томонидан тушунтирилишини ташкил қилиш;

кўп қаватли уйлар ҳовлиси ва атрофи, йўл ҳамда кўча четларининг ободонлаштирилган намунавий қўринишини тасдиқлаш;

йўл ва кўча четларидаги бўш ерларни кўкаламзорлаштириш бўйича дастур тасдиқлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси ва вилоятлар ҳокимлари мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва самарали ташкил этилишини таъминласин.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Курилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2025 йил 1 ноябрга қадар жойларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш юзасидан асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ободонлаштириш қоидаларининг амалиётда самарали ишларини таъминлашга қаратилган, хусусан фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ободонлаштириш борасидаги мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликни аниқ белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Махкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар,

Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) ҳокимлари бошчилигига худудий ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида ишли гурухлар тузилиб, улар зиммасига йўллар ва кўчаларга ўзбошимчалик билан тўсиқ ўрнатиш ҳолатларини тўлиқ ҳатловдан ўтказиш ва бартараф этиш ҳамда айбордor шахсларга нисбатан қонунчиликда белгилangan тартибда жавобгарлик масаласини ҳал этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси 2024 йил 1 сентябрга қадар мазкур бандда назарда тутилган вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига батафсил ахборот киритсин.

10. Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 1 июль,  
ПҚ-241-сон

## УЧИНЧИ БЁЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**222 Қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини яна-да такомиллаштириш, соҳада суғурта хизматларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи Қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия (кейинги ўринларда — субсидия) ажратиш бўйича талаб этиладиган хужжатлар ҳамда уларни кўриб чиқиши тартиби;

субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосани қабул қилиш ва субсидия ажратиш тартиби;

суғурта шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганда, шунингдек, суғурта ҳодисаси содир бўлмагандан ва (ёки) суғурта товони тўланмаган бўлса, суғурта шартномаси бўйича қоплаб берилган суғурта мукофотининг фойдаланилмаган даврига мутаносиб қисмини қайтариш тартиби.

2. Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси суғурта компаниялари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда табиий ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда худудлар учун алоҳида хавф-хатарларни ҳамда табақалашган суғурта тарифларини жорий этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги бир ой муддатда:

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда аджастер, актуар ва сюрвейер хизматларини тузилган шартномаларга мувофиқ ташкил этсин ҳамда уларнинг фаолиятини сертификатлаш, реестрини юритиш ва

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 июляда эълон қилинган.

назорат қилишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсін;

Гидрометеорология хизмати агентлиги билан биргаликда иқлім ўзгаришига оид табиий оғатлар билан боғлық маълумотларни доимий шакллантирган холда, сұфурта компаниялари фойдаланиши учун уларнинг электрон платформаларга интеграция қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги:

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйсин;

суғурта компаниялари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда билим ва кўнималарга эга тажрибали агрономларни қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш жараёнларига жалб қилиш чора-ларини кўрсинг.

5. Белгилансинки:

2024 йилда ушбу субсидиялар 2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг ҳосилини суғурталаш харажатларининг 50 фоизини қоплашга субсидиялар учун назарда тутилган маблағлар доирасида берилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йилдан бошлаб ҳар йили Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига асосан қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб боради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Кўчкоров ва Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 июль,  
373-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 2 июлдаги 373-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги  
экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов  
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг 50 фоизини, бироқ суғурта суммасининг 4 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом бевосита қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирувчи фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**«Агроплатформа» ахборот тизими** (кейинги ўринларда — «Агроплатформа» АТ) — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформаси таркибига кирувчи ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга шаффоффлик тамойилида хизмат кўрсатиш имкониятларини таъминлаб берадиган ахборот тизими;

**«Agrosubsidiya» ахборот тизими** (кейинги ўринларда — «Agrosubsidiya» АТ) — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш юзасидан материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш ҳамда имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш бўйича хизматлар кўрсатиш имконини берувчи ахборот тизими;

**«СropAgro» ахборот тизими** (кейинги ўринларда — «СropAgro» АТ) — қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг таклифларини қабул қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини электрон жойлаштириш, келишиш, маълумот ва ҳисоботларни шакллантириш учун фойдаланиладиган ахборот тизими;

**субсидия** — қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта шартномасида белгиланган суғурта мукофоти учун тўлов харажатлари ўринини қисман қоплаш учун бериладиган маблаф;

**суғурта** — муайян ҳодиса юз берганда қишлоқ хўжалиги экинлари ва уларнинг ҳосилига етказилган зарарнинг ўринини қоплаш, товоналар ва бошқа тўловлар тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, қишлоқ хўжалиги субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишга доир муносабатлар;

**суғурта мукофоти** — суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартно-

масида белгиланган тартибда ва муддатларда суфурталовчи ташкилотга тўла-  
ниши шарт бўлган суфурта тўлови;

**суфурта суммаси** — суфурталовчи ташкилот билан суфурта қилдирув-  
чининг ўзаро келишувига асосан белгиланадиган пул маблағлари миқдори  
бўлиб, суфурталовчи ташкилот суфурта ходисаси юз берганда суфурта шарт-  
номасига мувофиқ суфурта қилдирувчига суфурта товонини ундан ошмаган  
миқдорда тўлаш мажбуриятини олади;

**суфурталовчи ташкилот** — суфурта қилиш учун лицензияга эга бўлган  
ва суфурта шартномасига мувофиқ суфурта товони тўловини амалга ошириш  
мажбуриятини олувчи юридик шахс бўлган ташкилот;

**суфурта қилдирувчи** — суфурталовчи ташкилот билан суфурта шарт-  
номасини тузган, суфурта шартномасида келишилган суфурта мукофотини  
тўловчи ва суфурталовчи ташкилот билан аниқ суфурта муносабатларига ки-  
рувчи юридик шахс мақомига эга бўлган қишлоқ хўжалиги субъектлари;

**суфурта ҳодисалари** — суфурта шартномасида кўрсатилган (қишлоқ  
хўжалиги экинларига ва уларнинг ҳосилига зарар етказувчи ҳамда нобуд  
қилувчи кучли ёмғир (жала), дўл, сув тошқини, довул, ҳаво ҳароратининг  
кеескин пасайиши (совиб кетиши, музлаши) ёки кўтарилиши (жазира ма-  
сик, гармсел), касаллик ва зааркунандаларнинг кеескин кўпайиб кетиши) ва  
уларнинг содир бўлиши билан суфурталовчи ташкилот томонидан суфурта  
товони тўловини амалга ошириш мажбуриятини келтириб чиқарадиган та-  
биат ҳодисалари;

**суфурта шартномаси** — суфурталовчи ташкилот ва суфурта қилди-  
рувчи ўртасида ёки электрон шаклда тузиладиган битим бўлиб, бунда  
суфурта қилдирувчи унга мувофиқ суфурта мукофотини (суфурта тўловини)  
суфурта шартномасида белгиланган тартибда, муддатларда ва ҳажмда тўлаш  
ҳамда суфурта шартномасида ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа  
мажбуриятларни бажариш, суфурталовчи ташкилот эса суфурта шартномаси-  
да кўрсатилган муайян ҳодисалар (суфурта ҳодисалари) юз берганда, суфурта  
қилдирувчига суфурта товонини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бунда суфурта шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик  
кодекси ва «Суфурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда ушбу Низом билан  
белгиланган шартларга мос келиши лозим;

**қишлоқ хўжалиги субъектлари** — юридик шахс мақомига эга бўлган  
қишлоқ хўжалиги субъектлари, жумладан, фермер хўжаликлари, дехқон хў-  
жаликлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа субъектлар;

**қишлоқ хўжалиги экинлари** — ғўза, бошоқли дон, сабзавот, картош-  
ка, полиз, дуккакли ва мойли экинлар, боғлар (мевали ва резавор мевали),  
узумзорлар, кўчатлар;

**ҳосил** — қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан етиштириладиган  
қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган маҳсулот (хомашё).

3. Қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини  
суфурталашда суфурта мукофоти учун тўлов харажатларининг 50 фоизини,  
бироқ суфурта суммасининг 4 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун  
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади.

Бунда субсидия учун талаб этиладиган маблағлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомасига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ҳар йили «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия учун ажратилган маблағлар ҳисоби Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги учун очилган шахсий ғазна ҳисобварафида юритилади.

4. Қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатининг бир қисми ушбу Низомга иловага\* мувофиқ схема бўйича қопланади.

## **2-боб. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш бўйича мурожаат қилиш тартиби**

5. Суғурта қилдирувчи қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофотининг 50 фоизини, бирок суғурта суммасининг 4 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун субсидия олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 августдаги 330-сон қарори билан тасдиқланган «Агроплатформа» ахборот тизимидан фойдаланиши ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ «Агроплатформа» АТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда рўйхатдан ўтади.

Суғурта қилиш назарда тутилган суғурта қилдирувчининг қишлоқ хўжалиги экинлари «СгроАгро» АТга электрон жойлаштирилган бўлиши лозим.

6. Суғурта қилдирувчи суғурта ташкилотига суғурта мукофотини тўлик тўлагандан кейин Қишлоқ хўжалиги вазирлигига суғурта мукофоти учун тўлов харажатларининг субсидия ҳисобидан қоплаб бериладиган қисмини олиш учун «Agrosubsidiya» АТ орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қиласи:

суғурта шартномаси;

суғурта полиси;

суғурта шартномасида қайд этилган суғурта мукофотининг тўлик тўланганигини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси ва ҳисоб-фактура.

Суғурта қилдирувчи аризадаги маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчидан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

## **3-боб. Суғурта мукофоти учун тўлов харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш бўйича мурожаатни кўриб чиқиш ва субсидия ажратиш тартиби**

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги уч иш куни ичидаги:

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

суурта қилдирувчининг аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижаларига кўра «Agrosubsidiya» АТ орқали суурта қилдирувчига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суурталашда суурта мукофоти учун тўлов ҳаражатларининг 50 фоизини, бироқ суурта суммасининг 4 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан хulosани тайёрлайди ва электрон имзо билан тасдиқлайди.

8. Суурта қилдирувчи қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суурталашда суурта мукофоти учун тўлов ҳаражатларининг 50 фоизини, бироқ суурта суммасининг 4 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун субсидия ажратишни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

суурта қилдирувчининг ўз аризасига асосан;

ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

суурта қилдирувчи томонидан сохта ҳужжатлар, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилганда;

қишлоқ хўжалиги субъекти тугатилганда.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар билан суурта қилдирувчига субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги суурта қилдирувчига субсидия ажратишни рад этган тақдирда, суурта қилдирувчини бир кун муддатда «Agrosubsidiya» АТ орқали рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилади.

Субсидия ажратишни рад этилган суурта қилдирувчи Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хulosасида кўрсатилган рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда қайта мурожаат қилиши мумкин.

Суурта қилдирувчи Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги хulosасидан норози бўлганда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш хуқуқига эга.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хulosса қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичидаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суурталашда суурта мукофотининг 50 фоизини, бироқ суурта суммасининг 4 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун субсидияни subsidiya.mf.uz электрон тизими орқали суурта қилдирувчининг тижорат банкидаги ҳисобвараfiga ўтказиб беради.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳар чорак якуни билан суурта шартномасини тугаганлиги ёки муддатидан аввал бекор қилинганлигини мониторинг қилиб бориш мақсадида суурталовчи ташкилот ва суурта қилдирувчидан суурта шартномасига оид ҳужжатларни ва маълумотларни талаб қилишга ҳақли.

11. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра суурта шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганлиги аниқланганда, шунингдек, суурта ҳодисаси содир бўлмаганда ва (ёки) суурта товони тўланмаган бўлса, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги суурта шартномаси бўйича қоплаб берилган суурта мукофотининг фойдаланилмаган даврига мутаносиб қисмини (суурта агенти

воситачилигида тузилган суфурта шартномалар бўйича воситачилик хақи че-  
гирилмайди) қайтариш хақида суфурта қилдирувчига огоҳлантириш хатини  
юборади.

12. Суфурта қилдирувчи огоҳлантириш хатини олган кундан эътиборан  
бир ой ичидаги ажратилган субсидияни Иктисодиёт ва молия вазирлигининг  
ахборот тизимида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги учун очилган шахсий ғазна  
ҳисобвараги қайтаради.

Агар суфурта қилдирувчи ихтиёрий равишда субсидияни огоҳлантириш  
хатида кўрсатилган муддатда ва миқдорда қайтармаса ёки қайтаришни рад  
этса, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги субсидияни суд тартибида ундириш чора-  
ларини кўради.

13. Суфурта қилдирувчи томонидан қайтарилган ёки суд тартибида унди-  
рилган маблағлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг шахсий ғазна ҳисобва-  
рафига келиб тушган кунда тўлиқ Ўзбекистон Республикасининг республика  
бюджетига қайтарилади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

14. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суфурталашда суфурта мукофо-  
ти учун тўлов харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ажратилган  
субсидиялар миқдори ҳамда суфурта қилдирувчилар тўғрисидаги маълумот-  
лар хар ойда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг очиқ маълумотлар порталида  
эълон қилиб борилади.

15. Субсидия беришда юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўр-  
тасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилади.

Бунда тарафлар ўртасида келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш орқа-  
ли ҳал этилмаган тақдирда, низолар суд тартибида ҳал қилинади.

16. Қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳоси-  
лини суфурталашда суфурта мукофоти учун тўлов харажатларининг бир қис-  
мини қоплаш мақсадида ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш  
Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

17. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун-  
чилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

# 223

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейларига ўқишга кираётган фуқаролар ҳамда таҳсил олаётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раҳами 3524*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги 508-сон «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейларига ўқишга кираётган (таҳсил олаётган) номзодларни (ўқувчиларни) тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейларига ўқишга кираётган фуқаролар ҳамда таҳсил олаётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси**

**А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 20 июнь,  
12-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ХУДАЯРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 июнь,  
7-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 1 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат хавфсизлик хизмати 2024 йил  
20 июндаги 12 ва Соғлиқни сақлаш  
вазирлигининг 2024 йил 19 июндаги  
7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати  
«Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик  
лицейларига ўқишга кираётган фуқаролар ҳамда таҳсил олаётган  
ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейларига (бундан бўён матнда лицейлар деб юритилади) ўқишга кираётган фуқаролар (бундан бўён матнда номзодлар деб юритилади) ва таҳсил олаётган ўқувчиларни (бундан бўён матнда ўқувчилар деб юритилади) тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Тиббий кўрикдан ўтказиш номзод ва ўқувчиларнинг соғлифининг ҳолатига кўра лицейга ўқишга кириш ёки таҳсил олишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

2. Тиббий кўрикдан ўтказиш:

**номзодларнинг тиббий кўриги** — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят (шаҳар) соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (бундан бўён матнда ДХХ деб юритилади) бошқармаси (органи) раҳбари томонидан тасдиқланган ҳарбий-тиббий комиссия (бундан бўён матнда ХТК деб юритилади);

**ўқувчиларнинг тиббий кўриги** — ДХХ тасарруфидаги ХТК томонидан амалга оширилади.

3. Номзод ва ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказувчи ХТК таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ўсмирлар ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари (бўлимлари) шифокор-мутахассислари (жарроҳ, терапевт, дерматовенеролог, стоматолог, офтальмолог, оториноларинголог, психиатр ва невропатолог) жалб қилинади.

Ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказувчи ХТК таркибини шакллантиришда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасидан тегишли бош мутахассислар жалб этилиши мумкин.

ДХХ бошқармаси (органи) масъул ходимлари ХТК раиси ва котиби хиббланади.

## **2-боб. ҲТКнинг асосий вазифалари**

4. ҲТКнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

номзодлар ва ўқувчиларни тиббий кўридан ўтказиш;

рухий-асаб, тери-таносил касалликлари ва наркологик диспансерлари, фтизиатрия ва пульмонология (силга қарши диспансерлар) ҳамда ОИТСга қарши кураш марказлари, шунингдек Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг худудий бошқармаларида ҳисобда туриши ёки турмаслиги тўғрисида олинган маълумотномаларнинг мавжудлигини текшириш;

номзодлар ва ўқувчиларни қўшимча текширув ва даволашга йўналтириш, қўшимча текширув ва даволашдан сўнг уларнинг ҲТКга келишларини назоратга олиш;

соғлиғининг ҳолатига кўра номзодларни лицейларга ўқишига, ўқувчиларни лицейларда ўқишига яроқлилиги ёки яроқсизлиги тўғрисида хуносалар қабул қилиш;

тиббий ва эксперт хужжатларни сифатли расмийлаштириш;

номзодлар ва ўқувчиларни тиббий кўридан ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва ушбу ҳисоботни ДХХ марказий ҳарбий-тиббий комиссияси (бундан буён матнда МҲТК деб юритилади) тақдим этиш.

6. ҲТКга услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўсмирлар ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш маркази хузуридаги республика муқобил тиббий комиссияси (бундан буён матнда РМТК деб юритилади) ва МҲТКга юкланди.

## **3-боб. Тиббий кўридан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш**

7. Номзод ва ўқувчиларни тиббий кўридан ўтказишида мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган мажбурий диагностик текширувлар рўйхатига мувофиқ таҳлилий (лаборатория) ва тиббий ускуналар ёрдамида ўтказиладиган текширувлар, зарурат туғилганда эса тиббий кўрсатмаларга кўра бошка тиббий текширувлар ДХХ тасарруфидаги ҳарбий-тиббий муассасаларда бепул амалга оширилади.

Мазкур мажбурий диагностик текширувларни ДХХ тасарруфидаги ҳарбий-тиббий муассасаларда амалга оширишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, ушбу текширувлар ҲТК раиси томонидан берилган йўлланмага асосан давлат соғлиқни сақлаш тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилади.

8. Тиббий кўридан ўтаётган номзодлар ёки ўқувчилар томонидан уларнинг соғлиғи тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган, шунингдек диспансер кузатувига оид турли тиббий хужжатларнинг тақдим этилиши уларни тиббий кўридан ўтказилишидан озод этмайди.

9. Тиббий кўридан ўтказиш вақтида ҲТК томонидан номзод ва ўқув-

чиларнинг яроқлилик даражасини аниқлаш мақсадида мазкур Низомнинг 2-иловасида\* келтирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича кўрсатмалар, мазкур Низомнинг 3-иловасида\* келтирилган касалликлар, жисмоний нуқсонлар жадвали ва айрим моддаларга бериладиган шарҳлар (бундан бўён матнда касалликлар жадвали деб юритилади), мазкур Низомнинг 4-иловасида\* келтирилган номзод ва ўқувчилар соғлифи ва жисмоний ривожланишининг ҳолатига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар рўйхати хамда мазкур Низомнинг 5-иловасида\* келтирилган бўй ва тана вазни нисбатидан (меъёрда ва озиқланиш бузилишида) фойдаланган ҳолда ёзма хulosса қабул қилинади.

10. Сиртдан тиббий кўриқдан ўтказиш тақиқланади.

11. ҲТК хulosалари маслаҳатлашилган ҳолда, ҲТК аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Номзод ёки ўқувчини тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида аниқланган касалликлар, жароҳатлар ва жисмоний нуқсонлар натижасидаги аъзолар фаолиятининг бузилиши даражасини аниқлаш учун тор доирадаги шифокор-мутахассислар кўригидан ўтказишга зарурат туғилганда, улар ҲТК томонидан РМТКга юборилади.

12. ҲТК томонидан чиқарилган хulosса, агар хulosада бошқа муддат белгиланган бўлмаса, тиббий кўриқдан ўтказиш санасидан бошлаб олти ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

13. Номзод ёки ўқувчининг ўзи ёхуд унинг қонуний вакили ҲТК томонидан чиқарилган хulosадан норози бўлган ҳолларда МҲТКга ёхуд белгилangan тартибда судга шикоят қилишлари мумкин.

Бунда, ҲТК томонидан берилган хulosаларни МҲТК қайта кўриб чиқади.

#### **4-боб. Номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш**

14. Номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш ДХХ тасарруфидаги харбий-тиббий муассасаларда қўйидаги босқич ва муддатларда амалга оширилади:

дастлабки — жорий йилнинг ноябрь ойида;

якуний — кейинги йилнинг май ойида.

15. Номзодларни тиббий кўрикка ўйлашда ДХХ органи ва бўлинмаси шахсий таркиб билан ишлаш ходимлари томонидан ҲТКга қўйидагилар тақдим этилади:

а) руҳий-асаб, тери-таносил касалликлари ва наркологик диспансерлари, фтизиатрия ва пульмонология (силга қарши диспансерлар) ҳамда ОИТСга қарши кураш марказлари, шунингдек Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг худудий бошқармаларидан, номзоднинг ушбу муассасаларда ҳисобда туриш ёки турмаслиги тўғрисида маълумотномалар;

б) даволаш-профилактика муассасаларидан — амбулатор беморнинг тиббий карталари ва уларга илова қилинган варакларни (025-1у-шакли), ка-

\* 2 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

саллик тарихидан кўчирмалар, диспансер ва шифокор кузатуви ҳақидаги маълумотлар, шифокорларнинг хulosалари, номзоднинг охирги профилактик эмлашлар ҳақидаги варақасидан кўчирма (профилактик эмлашлар режасига асосан), шунингдек қон гурухи ва резус мансублиги (фактори) ҳақидаги маълумотлари ҳамда номзодларнинг соғлигини тавсифловчи бошқа тиббий ҳужжатлар;

в) номзод таҳсил олган умумий ўрта таълим ташкилот синф раҳбари томонидан бериладиган тавсифнома;

г) номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва ойи, тиббий кўрикдан ўтказиш мақсади кўрсатилган, мазкур Низомнинг 6-иловасида\* келтирилган тиббий кўрикдан ўтказиш учун йўлланма.

16. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказишдан олдин давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан уларда оғиз бўшлиғи санацияси амалга оширилади.

17. Бўйи 165 сантиметрдан паст бўлган номзод тиббий кўрикка қўйилмайди.

Тиббий кўрикдан ўтказиш учун тақдим этилган йўлланмада номзоднинг бўйи кўрсатилиб, ҲТК раиси имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланган ҳолда, тиббий кўрикка йўллаган ДХХ органи ва бўлинмаси шахсий таркиб билан ишлаш ходимларига қайтарилади.

Номзодлар сони тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида бир иш куни мобайнида 50 нафардан ошмаслиги лозим.

Номзодлар ҲТК шифокор-мутахассислари томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича кўрсатмаларга мувофиқ тиббий текширувлардан ўтказилади.

Тиббий текширув натижалари мазкур Низомнинг 7-иловасида\* келтирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейига ўқишга кираётган номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига киритилади.

18. Номзоднинг яроқлилик тоифасини аниқлашда шифокор-мутахассислар бир тўхтамга кела олмаган ҳолларда, амбулатор ёки стационар равишда тиббий текширув ўтказиш учун ҲТК раиси томонидан берилган йўлланмага асосан давлат соғлиқни сақлаш тизимидағи даволаш-профилактика муассасасига юборилади.

Йўлланмада дастлабки ташхис ва тиббий текширувда айнан нимага аниқлик киритилиши лозимлиги кўрсатилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимидағи даволаш-профилактика муассасасида ўтказилган текширув натижалари мазкур Низомнинг 8-иловасида\* келтирилган соғлик ҳолатини текшириш далолатномасига киритилади.

Далолатнома даволаш-профилактика муассасаси бош шифокори ва тиббий текширув ўтказган шифокор-мутахассис томонидан имзоланади ҳамда унга даволаш-профилактика муассасининг гербли муҳри қўйилади.

ҲТК тақдим қилинган тиббий текширув натижаларини кўриб чиқади, номзоднинг соғлиғи, жисмоний ривожланиш ҳолати ва бошқа барча маълуматни таҳсил олганда ошмаслиги лозимлиги кўрсатилади.

\* 6 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

мотларни инобатга олган ҳолда унинг ўқишига киришга яроқлилик масаласини ҳал қиласиди.

19. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларига кўра ҲТК томонидан қўйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

номзод «Темурбеклар мактаби» ёки «Ёш чегарачилар» харбий-академик лицейига ўқишига киришга яроқли;

номзод «Темурбеклар мактаби» ёки «Ёш чегарачилар» харбий-академик лицейига ўқишига киришга яроқсиз.

20. ДХХ бўлинма ёки органлари номзодларнинг йифмажиллари ва тиббий текширувдан ўтказишга оид барча ҳужжатларини лицейга юборади.

### **5-боб. Ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш**

21. Ўқувчилар тиббий кўрикдан ўтказилиши учун лицей директори томонидан мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган тиббий кўрикдан ўтказиш учун йўлланмага мувофиқ ҲТКга юборилади.

22. Тиббий кўрикдан ўтказишга йўллананаётган ўқувчининг қўйидаги ҳужжатлари ҲТКга тақдим этилади:

йўлланмана;

тиббий тавсифнома;

амбулатор bemorning тиббий варақаси (картаси).

23. Ўқувчи қўйидаги ҳолатларда тиббий кўрикдан ўтказилади:

ўқиши мобайнида олинган ёки ўқишига кириш вақтида аниқланмаган, лицейда ўқишига монелик қиласидаги касаллик ёки шикастланиш (жароҳат) ёки унинг асоратлари аниқланганда;

икки ой ва ундан ортиқ муддатда саломатлигига кўра ўқиши жараёнида қатнашмаган ҳолларда.

24. ҲТК ўқувчини тиббий кўрикдан ўтказишда унинг барча тиббиётга оид ҳужжатларини ўрганиб чиқади ва ўқувчини лицейда таҳсил олишга яроқли ёки яроқсизлиги тўғрисида хулоса қабул қиласиди.

ҲТК ташхисга аниқлик киритиш мақсадида ўқувчиларни қўшимча тиббий текширувлардан ўтиши учун давлат соғлиқни сақлаш тизимидағи ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларига юбориши мумкин. Бунда, ушбу муассасалар томонидан ўтказилган қўшимча тиббий текширувлар натижалари мазкур Низомнинг 8-иловасида келтирилган соғлиқ ҳолатини текшириш далолатномасида кўрсатилади.

25. Тиббий кўрик якунига кўра ҲТК қўйидаги хулосалардан бирини қабул қиласиди:

ўқувчи «Темурбеклар мактаби» ёки «Ёш чегарачилар» харбий-академик лицейида таҳсил олишга яроқли;

ўқувчи «Темурбеклар мактаби» ёки «Ёш чегарачилар» харбий-академик лицейида таҳсил олишга вақтинча яроқсиз, кейинги тиббий кўрикдан ўтказиш шарти билан стационар (амбулатор) равишда даволанишга муҳтож;

ўқувчи «Темурбеклар мактаби» ёки «Ёш чегарачилар» харбий-академик лицейида таҳсил олишга яроқсиз.

26. ҲТК томонидан ўқувчининг таҳсил олишга вақтинча яроқсизлиги

тўғрисида хулоса чиқарилганда, ўқувчи лицейнинг тиббиёт пунктида амбулатор равишда ёки давлат соғлиқни сақлаш тизимидағи даволаш-профилактика муассасасида даволанади.

Ўқувчининг стационар ёки амбулатор равишда даволаниш муддати тугаганидан сўнг уни вактинча таҳсил олишга яроқсиз деб топган ҲТКда такрорий тиббий кўрикдан ўтказилади.

27. Касалликлар жадвалига мувофиқ ўқувчининг таҳсил олишига тўсқинлик қиласидан касалликлар ёки шикастланиш (жароҳат) оқибатлари мавжуд бўлганда текширув натижалари ҲТК томонидан мазкур Низомнинг 9-иловасида\* келтирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицей ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига киритилади, шунингдек мазкур Низомнинг 10-иловасида\* келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома тўрт нусхада расмийлаштирилади ва МҲТК га тасдиқлаш учун юборилади.

МҲТК томонидан тасдиқланган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг уч нусхаси уни тузган ҲТКга қайтарилади (биринчи нусхаси лицей учун, иккинчи нусхаси ўқувчига бериш учун, учинчи нусхаси ҲТК учун) ва тўртинчи нусхаси МҲТКда қолади.

28. ҲТК томонидан такрорий тиббий кўрикдан ўтказилаётган ўқувчи касалликлар жадвалига мувофик лицейда таҳсил олишга яроқли деб топилса, текширув натижалари мазкур Низомнинг 9-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицей ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш варақасига киритилади, шунингдек унга мазкур Низомнинг 11-иловасида\* келтирилган маълумотнома расмийлаштирилади. Маълумотнома МҲТК томонидан тасдиқлангандан кейин лицейнинг юридик манзилига юборилади.

29. Ўқувчиларни соғлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра ҲТК томонидан тиббий кўрикдан ўтказишнинг имкони бўлмаса, тиббий кўрикдан ўтказиш МҲТК раиси томонидан белгиланади.

## **6-боб. Тиббий кўрикдан ўтказиш ҳужжатларини расмийлаштириш**

30. Тиббий кўрикдан ўтаётган номзод ва ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг саломатлик ҳолати, ҲТК ҳамда РМТКнинг хулосалари қўйидаги тиббий ҳужжатларда қайд этилади:

а) номзодларга:

мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейига ўқишига кираётган номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш варақасида;

мазкур Низомнинг 8-иловасида келтирилган соғлиқ ҳолатини текшириш далолатномасида, амбулатор беморнинг тиббий картаси ва унга илова қилинадиган варакада (025-1у-шакли);

\* 9 — 11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномада;

мазкур Низомнинг 12-иловасида\* келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобида;

б) ўқувчиларга:

мазкур Низомнинг 8-иловасида келтирилган соғлиқ ҳолатини текшириш далолатномасида, амбулатор беморнинг тиббий картаси ва унга илова қилинадиган варақада (025-1у-шакли);

мазкур Низомнинг 9-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш варакасида;

мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳномада;

мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотномада;

мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китоби.

31. Мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китоби ҲТКларнинг котиблари томонидан тиббий кўриқдан ўтаётган барча номзодлар ва ўқувчилар учун юритилади.

Йиғилиш баённомалари китобида йиғилиш ўтказилган санада ҲТК йиғилишининг баённомаси ҲТК раиси, йиғилишда қатнашган ҲТК аъзолари (камода икки нафар) ва ҲТК котиби томонидан имзоланади.

ҲТК ва РМТК хulosалари номзод ва ўқувчиларга тиббий кўрик якунланган вақтда тиббий кўриқдан ўтказиш варакасида имзо қўйдириб етказилади.

32. Мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобида тиббий кўриқдан ўтаётган номзодлар ва ўқувчиларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси (биометрик паспорти, идентификация ID-картаси) маълумотлари, шикоятлари, касалликнинг анамнези, объектив текширув натижалари, тўлиқ ҳолда ташхиси ҳамда ҲТК ва РМТК хulosаси қайд этилади.

Ушбу китобнинг «Шикоятлар ва касаллик анамнези» устунида касаллик тарихининг тартиб рақами ва стационар шароитда даволанишда бўлган даври кўрсатилади.

33. ҲТК шифокор-мутахассислари кўриги натижалари ва хulosалари амбулатор беморнинг тиббий варақасига, мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейига ўқишга кираётган номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш варақасига ёзиб қўйилади ва шифокор-мутахассисларнинг шахсий муҳри билан тасдиқланади. Сўнг ҲТК раиси ва котиби томонидан имзоланиб, ҲТК муҳри билан тасдиқланади. Зарурат туғилганда мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотнома расмийлаштирилади.

34. ҲТК томонидан номзодларни лицейга ўқишга киришга, ўқувчиларни таҳсил олишга яроқли деб топилган тақдирда, мазкур Низомнинг 12-илова-

\* 12-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сида келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилиш баённомалари китобига объектив маълумотларни қайд этмаган ҳолда «соғлом» деб ёзилади.

Номзодларни ўқишга киришга, ўқувчиларни таҳсил олишга яроқлилигини чекламайдиган баъзи касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар аниқланса, мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилиш баённомалари китобида уларга қисқача таъриф бериш ва ташхисни кўрсатишга рухсат этилади.

35. ҲТКлар номзодларни лицейга ўқишга киришга яроқсиз деб топганда, мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилиш баённомалари китобига қисқа ёзувлар (номзодларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси (биометрик паспорти, идентификация ID-картаси) маълумотлари, ташхис, ҲТК хулосаси) киритилади.

36. ҲТК томонидан ўқувчига мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилганда, мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобида қисқа ёзувларни (ўқувчининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (биометрик паспорт, ID-картаси) маълумотлари, ташхис, ҲТК хулосаси) киритилади.

Бунда, мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг бир нусхасини мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилиш баённомалари китобида илова сифатида сақланиши лозим.

37. Номзодлар ёки ўқувчилар такрорий тиббий кўрикдан ўтказилганда, мазкур Низомнинг 12-иловасида келтирилган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилишлар баённомалари китобида МҲТК томонидан чиқарилган хулоса, унинг баённомаси рақами ва санаси ёзиб қўйилади.

38. Номзодлар ва ўқувчиларга расмийлаштирилган, мазкур Низомнинг 11-иловасида келтирилган маълумотнома хамда ўқувчиларга расмийлаштирилган мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган касаллик тўғрисидаги гувоҳнома тасдиқлаш учун МҲТКга тақдим қилинади.

Мазкур маълумотнома ва касаллик тўғрисидаги гувоҳнома МҲТК томонидан тасдиқлангандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

39. ҲТКда юритиладиган ҳарбий-тиббий комиссиянинг йиғилиш баённомалари китоби уч йил, ҲТКнинг хужжатлари беш йил давомида сақланади.

Сақлаш муддати тугагандан сўнг юқорида келтирилган хужжатлар белгиланган тартибда йўқ қилинади.

## **7-боб. Якуний қоида**

40. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейларига ўқишга кираётган фуқаролар ҳамда тахсил олаётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### **Мажбурий диагностик текширувлар РЎЙХАТИ**

1. Умумий қон таҳлили — кенгайтирилган.
2. Умумий пешоб таҳлили.
3. Гижжа тухумлари ва содда организмларни аниқловчи нажас таҳлили
4. «B» ва «C» гепатитларнинг (HBsAg, HCV) маркерларини аниқловчи қон таҳлили.
5. Қоннинг RW (Вассерман реакцияси) таҳлили.
6. Қоннинг ОИВ билан зааррланиши тўғрисида таҳлили (ОИТСга қарши кураш марказларидан).
7. Қоннинг АЛТ, АСТ, умумий оқсил ва билирубин (фракциялари билан) таҳлили.
8. Электрокардиография (кардиолог ёки шифокор-функционал текширувлар ўтказадиган мутахассиснинг ёзув хулосаси билан).
9. Фиброзофагогастродуоденоноскопия.
10. Ички аъзолар ультратовуш текшируви.
11. Кўкрак қафаси аъзоларининг флюорографияси (текширилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда текширувнинг тартиб рақами ва ўтказилган сана кўрсатилади).
12. Руҳий-асаб, силга қарши, тери-таносил касалликлари ва наркологик диспансерлар, шунингдек ОИТСга қарши кураш марказларидан маълумотномалар.

*Изоҳ: Таҳлилий текширувлар, кўкрак қафаси аъзоларининг флюорографияси, фиброзофагогастродуоденоноскопия ва ички аъзолар ультратовуш текшируви муддати уч ойдан ошмаслиги лозим.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SOLIQ QO'MITASINING  
QARORI

**224 Yuridik shaxslarni yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritishning mezonlarini belgilash to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 1-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3172-3*

O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 29-dekabrdagi PQ-422-son "O'zbekiston Respublikasining "2024-yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to'g'risida"gi Qonuni ijrosini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasining 2019-yil 8-iyuldaggi 2019-45-son qarori (ro'yxat raqami 3172, 2019-yil 12-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2019-y., 28-son, 514-modda) bilan tasdiqlangan Yuridik shaxslarni yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritishning mezonlarini belgilash to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.
2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.
3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Rais****Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 26-iyun,  
2024-08-son

*Kelishildi:*

*Iqtisodiyot va moliya vaziri**D. KUCHKAROV*

2024-yil 20-iyun

*O'zbekiston Savdo-sanoat  
palatasi raisi*

*D. VAXABOV*

2024-yil 20-iyun

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 2-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq  
 qo'mitasining 2024-yil 26-iyundagi  
 2024-08-son qaroriga  
 ILOVA

**Yuridik shaxslarni yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritishning  
 mezonlarini belgilash to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan  
 o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Muqaddimadan “O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 17-apreldagi 320-son “Davlat soliq xizmati organlari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

2. 4-bandda:

“a” kichik band “xizmat ko'rsatuvchi korxonalar” degan so‘zlardan keyin “bundan alkogol va pivo mahsulotlari ishlab chiqaruvchi korxonalar mustasno” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

“b” kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“b) tijorat banklari, sug‘urta tashkilotlari, tovar-xomashyo, fond va valyuta birjalari;”;

“v” kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“v) “Navoiy kon-metallurgiya kombinati” AJ, “Olmaliq KMK” AJ, “O'zbekiston temir yo'llari” AJ hamda ularning ta'sischiligidagi tashkilotlar;”;

“d” kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“d) mahsulot (tovar, ish va xizmat)larni sotishdan olingan sof tushumi o'tgan kalendor yil yakuni bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining 735 ming baravaridan yuqori bo'lgan yoki ketma-ket keladigan o'n ikki oylik davr yakuni bo'yicha ushbu miqdordan oshgan hamda xodimlar soni o'rtacha yillik 10 nafardan kam bo'limgan yuridik shaxslar, chet el yuridik shaxslarining O'zbekiston Respublikasidagi doimiy muassasalari (bo'linmalari), bundan paxta-to'qimachilik klasterlari, to'qimachilik mahsulotlari ishlab chiqaruvchi korxonalar, alkogol mahsulotlarining ulgurji savdosи bilan shug'ullanuvchi korxonalar mustasno;”

3. 6-band “yirik soliq to'lovchilar toifasida qoladi” degan so‘zlardan keyin “bundan mazkur mezonlarga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilgan holatlar mustasno” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

4. 7-bandda:

birinchi xatboshidagi “bir” va “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so‘zlar tegishli ravishda “uch” va “Vazirlar Mahkamasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so‘zlar “Vazirlar Mahkamasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**225** «Академик лицей, касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида<sup>\*</sup>

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айrim қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чикиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик мухитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)»ги ҳамда 2023 йил 17 августдаги 396-сон «Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялашга оид қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 78-қ/қ, 13/ққ, 32-қ/қ, 162-сон «Академик лицей, касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга (рўйхат рақами 3119, 2019 йил 11 январь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.01.2019 й., 10/19/3119/2469-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солик қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мазкур қарорга илованинг 2-банди «в» кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошилари ҳамда «г» кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошилари 2024 йилнинг 1 сентябридан амалга киритилади.

**Олий таълим, фан ва  
инновациялар вазири**

**К. ШАРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 30 май,  
7-қ/қ-сон

**Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазири**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 20 май,  
7-2024/ҚҚ-сон

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 20 май,  
124-сон

*Келишилди:*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**A. ХУДАЯРОВ**

*2024 йил 16 май*

*Солик қўмитаси раиси*

**Ш. КУДБИЕВ**

*2024 йил 20 май*

*Ёшлар ишлари  
агентлиги директори*

**А. САЪДУЛЛАЕВ**

*2024 йил 17 май*

Ўзбекистон Республикаси

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 30 майдаги 7-қ/қ-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2024 йил 20 майдаги 7-2024/ҚҚ-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 20 майдаги 124-сон қарорига

ИЛОВА

**«Академик лицей, касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўкув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорда:

а) муқаддимадан «қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 майдаги 391-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар Билан алмаштирилсин.

2. Намунавий штатларда:

а) I-бобнинг 5, 13, 15, 16 ва 42 позициялар чиқариб ташлансин;

б) II-бобнинг 5, 12, 14, 18 ва 47 позициялар чиқариб ташлансин;

в) III-бобда:

2-позициядаги «Директорнинг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари» деган сўзлар «Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари\*\*\*\*» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

2 <sup>1</sup> .	Директор ўринбосари (ёшлар билан ишлаш бўйича)****	1	1	1	1	1	1	1	1
------------------	--	---	---	---	---	---	---	---	---

»;

4, 10, 16, ва 49 позициялар чиқариб ташлансин.

г) IV-бобда:

2-позициядаги «Директорнинг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари» деган сўзлар «Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари\*\*\*\*» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

«

2 <sup>1</sup> .	Директор ўринбосари (ёшлар билан ишлаш бўйича)****	1	1	1	1	1	1	1	1
------------------	--	---	---	---	---	---	---	---	---

»;

4, 10, 16, ва 49 позициялар чиқариб ташлансин.

д) Изоҳ қисмида:

иккинчи ва учинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«\* ўқувчилар сонидан келиб чиқиб ушибу лавозим жорий қилинганда, унинг лавозим вазифалари таркибига йиллик 530 соатгача (0,5 штат бирлигида 265 соатгача) ушибу фан бўйича ўқув машгулотларини ўтказии киритилади.

\*\* ўқувчилар сонидан келиб чиқиб ушибу лавозим жорий қилинганда, унинг лавозим вазифалари таркибига йиллик 400 соатгача (0,5 штат бирлигида 200 соатгача) ушибу фан бўйича ўқув машгулотларини ўтказии киритилади.»;

е) Иловада:

1-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Штат жадвалини тузишда таълим муассасалари ходимларининг сони молия йилининг биринчи санаси ҳолатидаги кундузги, кечки, сиртқи, масофавий ва дуал таълим шаклларида таълим олаётган ўқувчилар контингентидан келиб чиқиб, сиртқи таълим ўқувчилари учун — 0,4 коэффициентни қўллаган ҳолда, академик лицей, касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар бошкарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўкув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига мувофиқ аниқланади ва штатлар жадвали ўқувчилар сони ўзгариши билан йилнинг 1 сентябрь ҳолатига қайта кўриб чиқилиши мумкин.»

иккинчи хатбошидаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (бошқа вазирлик ва идоралар тизимидағи таълим муассасалари учун), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги» деган сўзлар «Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (бошқа вазирлик ва идоралар тизимидағи таълим муассасалари учун), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

15-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Лифтчи лавозими бир бинода жойлашган ва фойдаланилаётган лифтлар учун 1,0 бирлик киритилади.».

21 ва 24-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

25-банддаги «Автомототранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги» деган сўзлар «Автомототранс-

порт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАФАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**226 Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967-4*

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июнданги ПҚ-197-сон «Маъмурий ислоҳотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 февралдаги 100-сон «Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 8 майдаги 19/Б-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1967, 2009 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 280-модда) билан тасдиқланган Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 30 май,  
8-2024/Б-сон

*Келишилди:*

*Тоғ-кон саноати ва  
геология вазири*

**Б. ИСЛАМОВ**

*2024 йил 27 май*

\* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 июлда эълон қилинган.

*Курилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазири*

*Б. ЗАКИРОВ*

2024 йил 22 май

Ўзбекистон Республикаси  
камбағалликни қисқартириш ва бандлик вази-  
рининг 2024 йил 30 майдаги  
8-2024/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар  
ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш  
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июн-даги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 13-банд «даврий» деган сўздан кейин «(меҳнат фаолияти давомида) мажбурий» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 15-банд «Ходимлар» деган сўздан кейин «мажбурий» деган сўз билан тўлдирилсин.

4. 16-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Мажбурий тиббий кўриклар корхоналарга тиббий хизматлар кўрса-тuvчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақ-дирда эса корхона жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўtkaziladi.».

5. 17-банд «қўмитаси» деган сўздан кейин «мажбурий» деган сўз билан тўлдирилсин.

6. 18-банддаги «Даврий тиббий кўриклар» деган сўзлар «Мажбурий дав-рий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.».

8. 51-банднинг иккинчи хатбоҳисидаги «ҚМҚ 2.01.05-98» деган сўзлар «ҚМҚ 2.01.05-19» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 57 ва 60-бандлардаги «ҚМҚ 2.09.04-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва майший бинолари» деган сўзлар «ШНК 2.09.04-09 «Ташкилотларнинг маъмурий ва майший бинолари» деган сўзлар Билан алмаштирилсин.

10. 74-банддаги «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» деган сўзлар «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 80-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«80. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 «Бинолар ички водопроводи ва канализацияси» талабига мос келиши керак.».

12. 88-банддаги «Давлат санитар назорати органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг худудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 89-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«89. Корхона майдонида, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва хоналарда табиий ва сунъий ёритишлар ҚМҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритиш»га мос келиши керак.».

14. 101-банддаги «ҚМҚ 2.01.05-98» деган сўзлар «ҚМҚ 2.01.05-19» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 153-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«153. Буғ ва сув иситиш қозонларидан фойдаланиш, ўрнатиш ва таъмирлаш, шунингдек уларни синовдан ўтказиш ишлари «Саноатгеоконтехнозорат» давлат инспекцияси томонидан 2018 йил 25 сентябрда 16/НТД-5-сон билан тасдиқланган Буғ ва сув иситиш қозонларини тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари талабларига мос келиши керак.».

16. 154-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«154. Кўчмас компрессор қурилмалари, ҳаво қувурлари ва газ қувурларини ўрнатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш «Саноатгеоконтехнозорат» давлат инспекцияси томонидан 2011 йил 3 ноябрда 239-сон билан тасдиқланган Стационар компрессор қурилмалари, ҳаво ўтказгич қувурлари ва газ қувурларининг тузилиши ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари талабларига мос келиши керак.».

17. 155-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«155. Газ хўёжалигини эксплуатация этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 марта 226-сон қарори билан тасдиқланган Газ хўёжалигида хавфсизлик қоидалари талабларига мос келиши керак.».

18. 156-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«156. Юк кўтариш кранларидан фойдаланиш, ўрнатиш ва таъмирлаш, шунингдек уларни синовдан ўтказиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан 2019 йил 20 июня 20/ЮБ-26-сон билан тасдиқланган Юк кўтариш кранларининг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари талабларига мос келиши керак.».

19. 157-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«157. Электр қурилмаларини эксплуатация этиш, жойлаштириш ва қуриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ҳамда Истеъмолчилар электр

қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари ва мазкур қоидалар талабларига мос келиши керак.».

20. 286-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«286. Буғ ва иссиқ сув қувурларидан фойдаланиш, ўрнатиш ва таъмирлаш, шунингдек уларни синовдан ўтказиш ишлари «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан 2010 йил 6 июля 199-сон билан тасдиқланган Буғ ва иссиқ сув қувурларининг тузилиши ва хавфсиз эксплуатация қилиш қоидалари талабларига мос келиши керак.».

21. 290-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«290. Буғ қувурлари ва арматура тўсиқлари «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан 2010 йил 6 июля 199-сон билан тасдиқланган Буғ ва иссиқ сув қувурларининг тузилиши ва хавфсиз эксплуатация қилиш қоидалари талабларига мос келиши лозим.».

22. 305-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«305. Юк ортиш ва тушириш ишлари (юк илиш, кўтариш ва ташиш) «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан 2006 йил 14 февралда 32-сон билан тасдиқланган Юк ортиш ва тушириш ишларидаги юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидалари талабларига мос келиши керак.».

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**227 To'lov tizimi operatorlari va to'lov tashkilotlari faoliyatini litsenziyalash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 4-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3431-1*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi Qonuniga va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 30-noyabrdagi PQ-381-son "Raqamli mahsulotlar (xizmatlar) iste'molchilar huquqlarini himoya qilish va raqamli texnologiyalar vositasida sodir etiladigan huquqbazarliklarga qarshi kurashishni kuchaytirish choralari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2023-yil 18-apreldagi 8/3-son qarori (ro'yxat raqami 3431, 2023-yil 5-may) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 10.05.2023-y, 10/23/3431/0265-son) bilan tasdiqlangan To'lov tizimi operatorlari va to'lov tashkilotlari faoliyatini litsenziyalash tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakili bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Rais**

**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 19-iyun,  
21/3-son

*Kelishildi:*

*O'zbekiston Savdo-sanoat  
palatasi raisi*

**D. VAXABOV**

2024-yil 4-iyun

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 5-iyulda e'lon qilingan.

*Tadbirkorlik subyektlarining  
huquqlari va qonuniy manfaatlarini  
himoya qilish bo'yicha vakil*

*D. KASIMOV*

2024-yil 23-may

O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil  
19-iyundagi 21/3-son qaroriga  
ILOVA

**To'lov tizimi operatorlari va to'lov tashkilotlari faoliyatini  
litsenziyalash tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan  
o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. 6-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “muassisleri (ishtirokchilari yoki aksiyadorlari) ning” degan so’zlar “muassisleri (aksiyadorlari)ning” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

to’rtinchi xatboshidagi “muassisleri (ishtirokchilari yoki aksiyadorlari)” degan so’zlar “muassisleri (aksiyadorlari)” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to’ldirilsin:

“to’lov tizimi operatorlari va to’lov tashkilotlari aksiyadorlik jamiyatlari shaklida tashkil etilishi va faoliyat ko’rsatishi;”.

2. 3-bobning nomidagi, 7 va 10-bandlardagi hamda 5-bobning nomidagi “muassisleri (ishtirokchilari yoki aksiyadorlari)” degan so’zlar “muassisleri (aksiyadorlari)” degan so’zlar bilan almashtirilsin.

3. 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Xalqaro moliya institutlari, chet el to’lov tizimi operatorlari, to’lov tashkilotlari va boshqa kredit tashkilotlari hisoblanmaydigan norezident yuridik shaxslar hamda norezident jismoniy shaxslarning to’lov tizimi operatori va to’lov tashkiloti ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) jami ulushi ellik foizdan oshmasligi kerak.

Ushbu Nizom maqsadlarida boshqa kredit tashkilotlari deganda quyidagilar tushuniladi:

mazkur Nizomning 8<sup>1</sup>-bandida ko’rsatilgan moliyaviy faoliyat turlarini amalga oshiruvchi kompaniyalarни boshqarish maqsadida tashkil etilgan xolding kompaniyasi (boshqaruv kompaniyasi);

vakolatli davlat organining litsenziysi (ruxsatnomasi) asosida mazkur Nizomning 8<sup>1</sup>-bandida ko’rsatilgan moliyaviy faoliyat turlaridan birini amalga oshiruvchi va joylashgan (ro’yxatga olingan) davlatida konsolidatsiyalashgan nazorat mavjud bo’lgan yuridik shaxslar.”.

4. Quyidagi mazmundagi 8<sup>1</sup>-band bilan to’ldirilsin:

“8<sup>1</sup>. Mazkur Nizom maqsadlarida quyidagi faoliyat turlari moliyaviy faoliyat turlari hisoblanadi:

bank faoliyati;  
 mikromoliyalash faoliyati;  
 sug‘urta faoliyati;  
 lizing faoliyati;  
 ipotekani qayta moliyalash faoliyatini amalga oshirish.”.

5. 9-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Xalqaro moliya institutlari, chet el to‘lov tizimi operatorlari, to‘lov tashkilotlari va boshqa kredit tashkilotlari hisoblanuvchi norezident yuridik shaxslar O‘zbekiston Respublikasida to‘lov tizimi operatori yoki to‘lov tashkiloti ustav fondining (ustav kapitalining) ellik foizdan ortiq ulushiga ega bo‘lishi uchun ushbu tashkilotlarning ustav fondi (ustav kapitali) 20 million yevro ekvivalentidan kam bo‘lmasligi kerak.”.

6. 11-bandning birinchi xatboshisidagi “muassislari (ishtirokchilari yoxud aksiyadorlari)” degan so‘zlar “muassislari (aksiyadorlari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 13-banda:

birinchi xatboshidagi “muassislari (ishtirokchilari yoki aksiyadorlari)” degan so‘zlar “muassislari (aksiyadorlari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

uchinchи — beshinchi xatboshilardagi “muassislар (ishtirokchilar yoki aksiyadorlar)” degan so‘zlar “muassislар (aksiyadorlar)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “muassislар (ishtirokchilar yoxud aksiyadorlar)” degan so‘zlar “muassislар (aksiyadorlar)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

8. 14 va 15-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. To‘lov tizimi operatori ustav fondining (ustav kapitalining) eng kam miqdori 50 milliard so‘mni tashkil etishi lozim.”.

15. To‘lov tashkiloti ustav fondining (ustav kapitalining) eng kam miqdori:

2024-yil 1-iyuldan e’tiboran 10 milliard so‘mni;

2025-yil 1-iyuldan e’tiboran 20 milliard so‘mni tashkil etishi lozim.”.

9. 16-banda:

birinchi xatboshidagi “muassislari (ishtirokchilari, aksiyadorlari)” degan so‘zlar “muassislari (aksiyadorlari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “To‘lov tizimi operatori va (yoki) to‘lov tashkiloti” degan so‘zlar “Litsenziya da’vogari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

10. 22-bandning to‘rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“to‘lov tizimining qoidalari, shu jumladan antifrod tizimining tavsifi.”.

11. 23-banda:

ikkinchi xatboshidagi “muassislari (ishtirokchilari yoki aksiyadorlari)” degan so‘zlar “muassislari (aksiyadorlari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

uchinchи xatboshi chiqarib tashlansin;

to‘rtinchi — o‘ninchи xatboshilar tegishli ravishda uchinchi — to‘qqizinchi xatboshilar deb hisoblansin.

12. 25-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“to‘lov tizimining qoidalari, shu jumladan antifrod tizimining tavsifi.”.

13. 1-ilova beshinchi bandining 3-kichik bandidagi “muassislari (ishtirokchilar

yoki aksiyadorlar)” degan so‘zlar “muassislar (aksiyadorlar)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

14. 2-ilovaning nomidagi “muassislari (ishtirokchilari yoki aksiyadorlari)” degan so‘zlar “muassislari (aksiyadorlari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**228**

**Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3525*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ **буюраман**:

- Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
- Айрим идоравий норматив-хукуқий хужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
- Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Вазир****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 22 май,  
125-сон

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
22 майдаги 125-сон буйруфига  
1-ИЛОВА

**Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Коидалар Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

- Ушбу Коидаларда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитасининг** (бундан бўён матнда Божхона қўмитаси деб юритилади) Божхона кирим ордери автоматлаштирилган ахборот тизими (бундан бўён матнда дастур деб юритилади) — божхона кирим ордерини электрон тарзда шакллантириш ва ушбу хужжат асосида ундирилган божхона тўловларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган ахборот тизими;

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 июлда эълон қилинган.

**Божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими** (бундан буён матнда божхона органларининг ахборот тизими деб юритилади) — божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ва транспорт воситаларининг божхона назоратини амалга ошириш учун уларга доир хужжатлар ва маълумотларнинг киритилишини, ҳисобга олинишини ҳамда мониторинг қилинишини назарда тутувчи Божхона қўмитасининг автоматлаштирилган тизими;

**мобил қурилмаларни ҳалқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизими** (бундан буён матнда мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тизими деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 778-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган мобил қурилмаларни техник идентификациялаш параметрлари тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш, йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган ахборот тизими;

**Божхона кирим ордери** (бундан буён матнда БКО деб юритилади) — божхона тўловларини тўловчи шахс томонидан тақдим қилинган хужжатлар ёки божхона органларининг ахборот тизимлари ёхуд мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тизими маълумотлари асосида божхона ходими томонидан дастурда расмийлаштириладиган электрон шаклдаги хужжат;

**янги БКО** — божхона тўловларини тўловчи шахс томонидан Божхона қўмитасининг расмий веб-сайти орқали электрон тарзда шакллантирилган ҳолда божхона органига тақдим этилган, бироқ божхона органи томонидан кўриб чиқилмаган БКО;

**рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БКО** — дастурда шакллантирилган БКОнинг «БКО рўйхат рақами» графасига БКО рақами ва қабул қилинган сана кўрсатилган, аммо «Божхона органининг белгиси» графасига божхона органининг тегишли белгилари қўйилмаган БКО;

**расмийлаштирилган БКО** — божхона органи томонидан рўйхатга олинган ва «Божхона органининг белгиси» графасига божхона органининг тегишли белгилари қўйилган БКО;

**қайта расмийлаштирилган БКО** — расмийлаштирилган БКОга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, юридик кучга эга хужжат сифатида амал қилиши тўхтатилган аввалги БКО;

**бекор қилинган БКО** — БКОни божхона органида рўйхатга олинганидан ёки расмийлаштирилганидан сўнгbekor қилиш орқали юридик кучга эга хужжат сифатида амал қилишини тўхтатиши.

2. БКО куйидаги ҳолларда тўлдирилади:

нотижорат мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари орқали жисмоний шахслар томонидан қўл юкида ёки кузатиб борилаётган багажида олиб ўтилаётган товарларнинг, шунингдек ҳалқаро почта ва куръерлик жўнатмаларида юборилаётган шундай товарларнинг қиймати ва (ёки) миқдори қонунчилик хужжатларида белгиланган

товарларни олиб киришнинг божхона тўловлари ундирилмайдиган чекланган меъёридан ошганда, ортиқча қисмига божхона тўлови ундирилишида;

товарлар жисмоний шахснинг манзилига келиб тушганда (халқаро почта ва куръерлик жўнатмалари бундан мустасно) божхона тўловлари олиб кирилаётган товарларнинг бутун суммасидан, товарларни олиб киришнинг божхона тўловлари ундирилмайдиган чекланган меъёри қўлланилмаган ҳолда ундирилишида;

юридик шахсларнинг манзилига халқаро почта ва халқаро куръерлик жўнатмаларида юбориладиган, қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг ўтиз бараваригача бўлган микдордаги товарлар учун божхона тўловлари ундирилишида;

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 260-моддаси «г» кичик бандида назарда тутилган ҳолларда божхона тўловлари ундирилишида;

мобил қурилмалар белгиланган меъёрдан ортиқ микдорда олиб кирилган ҳолатларда ёки уларнинг божхона расмийлаштирувидан ўтганлиги тўғрисида ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тизими томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан божхона тўловлари ундирилишида;

қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган божхона йифимлари ва бошқа йифимларнинг ундирилишида.

3. БКО Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 291-моддасида келтирилган хатти-ҳаракат ёки тартиб-таомилларни бажарган божхона органи томонидан расмийлаштирилади.

## **2-боб. БКОни расмийлаштиришнинг умумий шартлари**

4. Божхона ходими томонидан БКО маълумотлари божхона тўловларини тўловчи шахс (бундан буён матнда тўловчи шахс деб юритилади) тақдим қилган ҳужжатлари, божхона органларининг бошқа ахборот тизимлари ёки мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тизимида мавжуд бўлган маълумотлар асосида шакллантирилади.

5. БКО умумий ва соддалаштирилган шаклларда тузилади.

Бир турдаги товарни декларациялашда мазкур Коидаларнинг 1-иловасига\* мувофиқ умумий БКОнинг асосий варагидан, икки ёки ундан ортиқ турдаги товарларни декларациялашда умумий БКОнинг асосий варагидан ҳамда мазкур Коидаларнинг 2-иловасига\* мувофиқ умумий БКОнинг қўшимча варагидан фойдаланилади.

Божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлмаган божхона йифимлари ва божхона органлари томонидан ундирилиши назарда тутилган бошқа йифимларни ундиришда мазкур Коидаларнинг 3-иловасига\* мувофиқ соддлаштирилган БКО шаклидан фойдаланилади.

6. Умумий БКОнинг асосий варагида битта товар тўғрисида, қўшимча варагида эса кўпи билан учта товар тўғрисида маълумотлар кўрсатилиши мумкин (бир вақтнинг ўзида асосий варага кўпи билан 33 та қўшимча варрак илова қилиниши мумкин).

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Божхона ходими томонидан БКО электрон тарзда рўйхатга олиниб, расмийлаштирилади ҳамда бир нусхада чоп этилиб, тўловчи шахсга топширилади (юборилади).

8. Тўловчи шахс Божхона қўмитасининг расмий веб-сайтидаги шахсий кабинет орқали БКОни электрон тарзда шакллантирган ҳолда божхона органларига тақдим этиши мумкин.

Бунда, тўловчи шахс томонидан БКОни расмийлаштириш учун божхона органларига уч иш қуни ичиди мурожаат қилинмаган тақдирда, янги БКО дастур томонидан автоматик тарзда қайтарилади.

9. БКО расмийлаштируви божхона органларининг ахборот тизимидағи тўловчи шахснинг шахсий ҳисобварағи бўйича божхона тўловлари тўланганилиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда электрон тарзда амалга оширилади.

Бунда, БКО бўйича божхона тўловларини тўлаш дастурда шаклланадиган божхона тўловлари ҳисобварағи асосида амалга оширилади.

10. БКО расмийлаштирилган пайтдан бошлаб юридик аҳамиятга молик фактлардан далолат берувчи хужжатга айланади.

### **3-боб. Умумий БКОнинг асосий варагини тўлдириш**

#### **1-§. Умумий БКОнинг асосий варагини тўлдириш**

11. Божхона ходими томонидан графаларнинг тўлдирилиши:

##### **1) 1-графа. «БКО тури».**

Графанинг биринчи бўлмасида агар тўловчи шахс:

жисмоний шахс (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар) бўлса — «Ж»;

юридик шахс, шу жумладан доимий муассаса бўлса — «Ю» кўрсатилади.

Графанинг иккинчи бўлмасида:

божхона худудига олиб кирилаётган товарларга нисбатан — «ИМ»;

божхона худудидан олиб чиқилаётган товарларга нисбатан — «ЭК»;

божхона худуди орқали транзит олиб ўтилаётган товарларга нисбатан — «ТР».

Графанинг учинчи бўлмасида:

қўл юкида ёки кузатиб борилаётган багажларда олиб ўтилаётган товарларга нисбатан — «КБ»;

халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида юборилаётган товарларга нисбатан — «ХП»;

жисмоний шахсларнинг манзилига келиб тушган нотижорат мақсадлардаги товарларга нисбатан — «МТ»;

белгиланган меъёрдан ортиқ миқдорда олиб кирилган ёки уларнинг божхона расмийлаштирувидан ўтганилиги тўғрисида хужжатлар тақдим этилмаган мобил қурилмаларга нисбатан — «МҚ» кўрсатилади;

##### **2) 2-графа. «Қўшимча вараклар».**

Графанинг биринчи бўлмасида варакнинг тартиб рақами, иккинчи бўлма-

сида тақдим этилаётган БКО варақларининг умумий сони (асосий ва қўшимча варақлари йифиндиси) кўрсатилади.

Масалан, агар БКО иккита қўшимча варақларга эга бўлса БКОнинг асосий варағида «1/3»; биринчи қўшимча варағида «2/3»; иккинчи қўшимча варағида эса «3/3» кўрсатилади. Агар БКО қўшимча варақларга эга бўлмаса «1/1» кўрсатилади;

### **3) 3-графа. «БКО рўйхат рақами».**

БКО рўйхат рақами қўйидаги бўлмаларда кўрсатилади:

а) биринчи бўлмада:

Божхона юқ декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-нинг (бундан бўён матнда Йўриқнома деб юритилади) (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) 4-иловасига мувофиқ БКО расмийлаштиришни амалга оширадиган божхона постининг бешта рақамли коди;

божхона постидан бошқа божхона органлари томонидан БКО тўлдирилишида дастур томонидан автоматик тарзда шаклланадиган тўртта рақамли код;

б) иккинчи бўлмада БКО расмийлаштирилган кун, ой, йил;

в) учинчи бўлмада дастур томонидан автоматик тарзда бериладиган тартиб рақам кўрсатилади.

Масалан, БКО:

божхона пости томонидан расмийлаштирилганда —  
27001/01.01.2024/0000001;

Божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари масъул таркибий тузилмалари томонидан расмийлаштирилганда — 1727/01.01.2024/0000001.

### **4) 4-графа. «Тўловчи/молия ва банк маълумотлари».**

Графанинг биринчи қисмида тўловчи шахс тўғрисидаги маълумот кўрсатилади.

Агарда тўловчи жисмоний шахс бўлса, у ҳолда графада унинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий рўйхатдан ўтган манзили, шахсни тасдиқловчи хужжат ҳақидаги маълумотлар, телефон рақами (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Агарда тўловчи юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган жойи (юридик манзили) ва телефон рақами (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Графанинг иккинчи қисмида:

а) тўловчининг СТИРи/ЖШШИРи кўрсатилади.

Жисмоний шахслар учун тўловчининг ЖШШИРи кўрсатилади. Агар тўловчи чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, унинг Ўзбекистон Республикаси олинган ЖШШИРи бўлмаса, унга дастур томонидан автоматик тарзда 14 та рақамдан иборат фарқлаш коди берилади.

Юридик шахслар учун тўловчининг СТИРи кўрсатилади.

б) тўловни қабул қилиб олган банкнинг МФОси/банкнинг тўлиқ номи;

в) тўловчининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобвари рақами кўрсатилади. Бунда тўловчи Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварафига эга бўлмаган жисмоний шахс бўлса, ушбу устун тўлдирилмайди.

**5) 5-графа. «Товарнинг умумий божхона қиймати».**

Графанинг биринчи қисмида декларациялангаётган товарларнинг тижорат хужжатларида кўрсатилган валютасидаги умумий божхона қиймати кўрсатилади.

Графанинг иккинчи қисмида декларациялангаётган товарларнинг АҚШ доллари эквивалентидаги умумий божхона қиймати дастур томонидан автоматик тарзда шаклланади.

Агар товарларнинг тижорат хужжатларида кўрсатилган валюта АҚШ долларида бўлса ёки тижорат хужжатлари мавжуд бўлмаса ёхуд валюта кўрсатилмаган бўлса, фақат АҚШ долларидаги умумий божхона қиймати кўрсатилади. Бунда графанинг иккинчи қисми тўлдирилмайди.

Товарларнинг умумий божхона қийматини умумий БКОнинг 13-графаларидағи товарларнинг божхона қийматлари йиғиндиси ташкил қиласади;

**6) 6-графа. «Валюта курси».**

Графанинг биринчи қисмида декларациялангаётган товарларнинг тижорат хужжатларида кўрсатилган валютасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БКО рўйхатга олинган кундаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан курси кўрсатилади.

Графанинг иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БКО рўйхатга олинган кундаги АҚШ долларининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан курси дастур томонидан автоматик тарзда шаклланади.

Агар товарларнинг тижорат хужжатларида кўрсатилган валюта АҚШ долларида бўлса ёки тижорат хужжатлари мавжуд бўлмаса ёхуд валюта кўрсатилмаган бўлса, графанинг биринчи қисми тўлдирилади.

**7) 7-графа. «Товар коди».**

Графада декларациялангаётган товарнинг Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолияти товар номенклатурасига (бундан буён матнда ТИФ ТН деб юритилади) мувофиқ ўнта рақамли коди кўрсатилади.

Бунда, қонунчиликка мувофиқ ягона божхона тўловлари ундирилиши назарда тутилган ҳолларда ушбу графа тўлдирилмайди.

**8) 8-графа. «Брутто оғирлик (кг)».**

Графада декларациялангаётган товарнинг килограммдаги брутто оғирлиги кўрсатилади.

Брутто оғирлик деганда товарнинг умумий оғирлиги, шу жумладан товар муомалага киритилгунга қадар ҳолатини ўзгармаслигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган унинг барча турдаги ўрамлари (контейнер ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно) билан биргаликдаги умумий оғирлиги тушунилади.

Брутто вазн математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача, агар товарнинг умумий оғирлиги бир килограммдан кам бўлса, брутто оғирлиги вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда кўрсатилади.

**9) 9-графа. «Миқдори».**

Графада декларациялангаётган товарнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги

миқдори ва ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши кўрсатилади.

Товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори вергулдан кейинги иккинчи белгигача аниқликда кўрсатилади.

Ушбу графа ТИФ ТНга мувофиқ товарнинг ўлчов бирлиги «кг» кўрсатилган ҳолатларда тўлдирилмайди.

### **10) 10-графа. «Нетто оғирлик (кг)».**

Графада декларацияланыётган товарнинг килограммдаги нетто оғирлиги кўрсатилади.

Қадоқланган ҳолатда олиб ўтилаётган товар учун нетто оғирлик:

декларацияланыётган товарнинг фақат бирламчи қадоғини ҳисобга олган ҳолдаги оғирлиги, агар товарлар, истеъмол хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда, шундай қадоқда чакана савдога чиқарилса ва (ёки) товарни сотишда унинг сақланишини таъминлайдиган бирламчи қадоқни товарнинг истеъмол хусусиятларини бузмаган ҳолда товарни истеъмол қилгунга қадар товардан ажратиб бўлмайдиган (масалан, банкадаги кофе ва х.к.) бўлса;

бошқа ҳолатларда декларацияланыётган товарнинг ҳеч қандай қадоқсиз оғирлиги ҳисобланади.

Қадоқсиз (сочилган, қўйилган, уюм ҳолда) олиб ўтиладиган товар учун товарнинг умумий оғирлиги кўрсатилади.

Нетто вазн математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача, агар товарнинг умумий оғирлиги бир килограммдан кам бўлса, нетто оғирлиги вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда кўрсатилади.

### **11) 11-графа. «Товар номи».**

Графада декларацияланыётган товар хақида маълумотлар, яъни товарнинг номи (савдо, тижорат ёки бошқа анъанавий номи), товар белгилари, маркалари, моделлари, бошқа техник ва тижорат тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Мазкур графада мобил қурилмаларнинг барча IMEI-кодлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

### **12) 12-графа. «Товар №».**

Графада декларацияланыётган товарнинг тартиб рақами кўрсатилади. Битта турдаги товар декларацияланыётган бўлса, графада «1» рақами кўрсатилади. Биттадан ортиқ турдаги товарлар декларацияланган бўлса рақамлар кетма-кетликда кўрсатилади, яъни 1,2,3...100.

### **13) 13-графа. «Божхона қиймати».**

Графанинг биринчи қисмида товарнинг тижорат хужжатларида кўрсатилган валютасидаги божхона қиймати кўрсатилади.

Графанинг иккинчи қисмида товарнинг АҚШ доллари эквивалентидаги божхона қиймати дастур томонидан автоматик тарзда шаклланади.

Агар товарнинг тижорат хужжатларида кўрсатилган валюта АҚШ долларида бўлса ёки тижорат хужжатлари мавжуд бўлмаса ёхуд валюта кўрсатилмаган бўлса, факат АҚШ долларидаги божхона қиймати кўрсатилади. Бунда графанинг иккинчи қисми тўлдирилмайди.

Божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси талабларига мувофиқ аниқланади.

Божхона қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг икки белгигача аниқликда яхлитланади.

**14) 14-графа. «Жўнатувчи мамлакат коди ва номи».**

Графада Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ товарлар жўнатилган мамлакатнинг рақамли коди ва номи кўрсатилади.

**15) 15-графа. «Келиб чиқиш мамлакати коди ва номи».**

Графада Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ товар келиб чиқиш мамлакатининг рақамли коди ва номи кўрсатилади.

Агарда БКОни тўлдиришда товарнинг келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлса, графада «000-номаълум» деб кўрсатилади.

Агар товарни келиб чиқиш сертификатида Европа иттифоқининг аник мамлакати кўрсатилмаган бўлиб, товарнинг келиб чиқиш мамлакати сифатида Европа иттифоқи кўрсатилган бўлса, лотин ҳарфлари билан икки ҳарфдан изборат «EU» коди қўйилади.

**16) 16-графа. «Тақдим этиладиган хужжатлар/қўшимча маълумотлар».**

Графада БКО тўлдиришга асос бўладиган хужжатлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ҳар бир хужжат тўғрисидаги маълумотлар Йўриқноманинг 12-иловасидаги таснифлагичга мувофиқ хужжатнинг тартиб рақами ва ҳарфли кодини кўйган ҳолда кўрсатилади (реквизитларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади):

а) чеклар, квитанциялар, ҳисобварак-фактура (инвойс), Умумжаҳон почта иттифоқининг хужжатларида назарда тутилган хужжатлар ва бошқа тижорат хужжатлари (масалан, 220-ИНВ № 005 05.01.2024 й.);

б) товарларни божхона ҳудудига олиб кириладиган жойгача етказиб бериш харажатларини тасдиқловчи хужжатлар;

в) транспорт хужжатларининг рақами (масалан, 205-АВИА № 259-12586814, 18.01.2024 й.);

г) конунчиликда назарда тутилган бошқа хужжатлар (товарнинг келиб чиқиш сертификати рақами ва санаси, шахс томонидан маълум қилинган товарларнинг қиймати бўйича маълумоти ва х.к.);

д) декларацияланётган товарга норматив-хуқуқий хужжатларда назарда тутилган ҳолатларда, бошқа ваколатли органлар томонидан тақдим этиладиган рухсатномалар, хулосалар ва бошқа хужжатларнинг рўйхат рақами ва берилган санаси (масалан, 417-ССТ № UZ.SMT.01.065.1783700, 15.01.2024 й., 419-ФТСС № 431771, 04.01.2024 й.);

е) ўёловчи божхона декларацияси рақами ва санаси;

ж) транзит декларация рақами ва санаси;

з) мобил қурилмалар белгиланган меъёрдан ортиқ миқдорда олиб кирилган ҳолатларда ёки уларнинг божхона расмийлаштирувидан ўтганлиги тўғрисида хужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, божхона тўловларини ундириш учун асос ҳисобланадиган ариза рақами ва санаси;

**17) 17-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».**

Графада божхона тўловлари суммасини ҳисоблаш БКО асосий вараги ва қўшимча варактларининг 11-графаларида кўрсатилган ҳар бир товар бўйича алоҳида амалга оширилади, бундан БКОнинг асосий варагида кўрсатиладиган божхона расмийлаштируви учун ундириладиган йиғимлар мустасно.

Графанинг:

«Тўлов тури» устунида Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ божхона тўлов турининг коди кўрсатилади;

«Ҳисоблаш асоси» устунида божхона тўловини ҳисоблашнинг асоси кўрсатилади. Бунда ҳисоблаш асоси Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида кўрсатилади.

Конунчилик ҳужжатларида божхона тўловини ҳисоблаш учун асос сифатида пул бирликлари эмас, бошқа ўлчов бирликлари (масалан, маълум вақт оралиғи (соат), маълум бир ҳужжатларни берганлик учун ва ҳ.к.) белгиланган бўлса, мазкур графанинг «Ҳисоблаш асоси» устунида тегишли миқдор (1, 2 ва ҳ.к.) ва ўлчов бирлиги (соат, дона ва ҳ.к.) кўрсатилади;

«Ставка» устунида божхона тўлови суммасини ҳисоблашда қўлланидиган божхона тўловлари ставкасининг белгиланган миқдори кўрсатилади;

«Сумма» устунида божхона тўловининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда ҳисобланган суммаси кўрсатилади;

«Ҳисоб-китоб тафсилоти» устунида БКОнинг асосий ва қўшимча вараклари бўйича тўлов коди ва ундириладиган умумий божхона тўловлари суммаси тури бўйича ҳамда уларнинг йиғиндиси, яъни тўланадиган божхона тўловлари умумий суммаси «Жами» деган ёзувдан кейин кўрсатилади;

**18) 18-графа. «Божхона органи белгиси».**

Ушбу графада дастур томонидан БКОни расмийлаштирган божхона ходимининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда расмийлаштирув амалга оширилган вақт тўғрисидаги маълумотлар автоматик равишда шакланади.

БКО божхона ходимининг электрон рақамли имзоси орқали тасдиқлаш ўйли билан расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган БКОга дастур орқали автоматик равишда матрицали штрих код (QR-код) кўйилади ҳамда божхона ходими томонидан муҳр ва имзо қўйилиши талаб этилмайди.

12. Тўловчи шахс томонидан БКОнинг 19-графаси қўйидаги тартибда тасдиқланади:

**19-графа. «Тўловчининг имзоси».**

Графа божхона тўловларини тўловчи жисмоний шахснинг ҳамда юридик шахс вакилининг имзоси билан тасдиқланади.

БКО Божхона қўмитасининг расмий веб-сайтида шахсий кабинет орқали электрон тарзда шаклантирилган маълумотлар асосида расмийлаштирилганда, ушбу графа электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

**2-§. Умумий БКОнинг қўшимча варагини тўлдириш**

13. Божхона ходими томонидан графаларнинг тўлдирилиши:

**1) 2-графа. «Қўшимча варақлар».**

Графада БКОнинг қўшимча варағи тартиб рақами кўрсатилади.

Масалан, БКОга иккита қўшимча варақ тўлдирилса, биринчи қўшимча варақда «2/3»; иккинчи қўшимча варақда эса «3/3» кўрсатилади.

**2) 3-графа. «БКО рўйхат рақами».**

БКО асосий варафининг 3-графасида кўрсатилган рўйхат рақами кўрсатилади.

14. Божхона ходими томонидан умумий БКО қўшимча варағи 7 — 13, 15 ҳамда 17-графасининг «Тўлов тури», «Ҳисоблаш асоси», «Ставка», «Сумма» устунлари умумий БКО асосий варағи 7 — 13, 15 ҳамда 17-графасининг «Тўлов тури», «Ҳисоблаш асоси», «Ставка», «Сумма» устунларини тўлдириш тартибига мувофиқ тўлдирилади.

**4-боб. Соддалаштирилган БКОни тўлдириш**

15. Божхона ходими томонидан графаларнинг тўлдирилиши:

1) соддалаштирилган БКОнинг 1 ва 2-графалари умумий БКО асосий варағи 3 ва 4-графаларига, 4-графаси умумий БКО қўшимча варафининг 17-графасини тўлдириш тартибига мувофиқ тўлдирилади;

**2) 3-графа. «Тақдим этиладиган ҳужжатлар/қўшимча маълумотлар».**

Графада БКО тўлдиришга асос бўладиган ҳужжатлар тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) дастлабки қарорни олиш учун тақдим этилган ариза рақами ва санаси;

б) эгаси божхона органи бўлган божхона омборида ёки чегара божхона постида вақтинча товарларни сақлаш учун асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси;

в) транспорт воситасини божхона кузатувини амалга ошириш ёки божхона назорати остида ташилаётган товар ва транспорт воситалари учун белгиланган етказиб бериш муддатга ўтказиб юборилган ҳолатда транзит декларацияси рақами ва санаси (масалан, ТР № 27001/01.01.2024/0000105);

г) автотранспорт воситасини бир календарь йил давомида тўқсон календарь кундан ортиқ муддатга вақтинчалик олиб кирганликда транспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш мажбуриятномаси рақами ва санаси;

д) қонунчиликда назарда тутилган бошқа йиғимларни ундириш учун асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси.

Мазкур графада БКО тўлдиришга асос бўлган божхона тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Масалан, чегара божхона постида вақтинча товарларни сақлаганлик учун божхона йиғимларини ундириш мақсадида БКО тўлдирилса, товарнинг брутто вазни ва товар сақланган кунлар сони кўрсатилади.

**3) соддалаштирилган БКОнинг 5-графаси умумий БКО асосий варағи**

18-графасини тўлдириш тартибига мувофиқ тўлдирилади, бундан автоматлаштирилган тарзда расмийлаштирилган БКОлар мустасно.

16. Тўловчи шахс томонидан соддалаштирилган БКОнинг 6-графаси умумий БКОнинг асосий варағи 19-графасига мувофиқ тасдиқланади.

**5-боб. БКОга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш**

17. БКОга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш зарур бўлганда;

товарнинг божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловлари суммасини тўғрилаш зарурати юзага келганда;

товарни божсиз олиб кириш нормасига ҳамда уни олиб ўтиш мақсадига аниқлик киритилганда;

битта товар юзасидан такроран бир нечта БКО қабул қилинган ҳолат аниқланганда;

ушбу Қоидаларнинг 2-банди еттинчи хатбошисига асосан ҳисобланган божхона тўловлари мобил қурилмани рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат этган шахс томонидан 10 иш куни ичida тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаганда;

БКОга ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш учун асос бўладиган ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланган, қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳолларда.

18. Божхона органининг ташаббуси билан ёки тўловчи шахснинг мурожаатига кўра мазкур Қоидаларнинг 17-банди иккинчи — тўртинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда БКОга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши ҳамда мазкур Қоидаларнинг 17-банди тўртинчи — еттинчи хатбошиларида белгиланган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

19. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БКОни бекор қилиш, расмийлаштирилган БКОга божхона тўловлари суммасини қайтариш билан боғлиқ бўлмаган ҳамда божхона тўловлари ҳисобварафи шаклланганидан сўнг рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БКОга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш мазкур Қоидаларнинг 3-бандида назарда тутилган таркибий тузилма бошлигининг рухсати билан амалга оширилади.

БКО расмийлаштирилгандан сўнг унга божхона тўловлари суммасини қайтариш билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳамда уни бекор қилиш Божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиғи (ёки унинг ўринбосари) рухсати билан амалга оширилади.

20. Божхона органи тўловчи шахснинг БКОга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш юзасидан мурожаатини 5 иш куни ичida кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижаларини ёзма ёки электрон шаклда тўловчи шахсга маълум қилади.

Божхона органи кўриб чиқиш натижаси бўйича БКОга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас ёхуд тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмас деб топса, асосланган сабабларни кўрсатган ҳолда мурожаатни рад этишга ҳақли.

21. Бекор қилинган БКОнинг 2-графасидаги рўйхат ракамини бошқа БКОга бериш тақиқланади.

### **6-боб. Якуний қоидалар**

22. Тўловчи шахс божхона органининг хатти-ҳаракатлари ёки қароридан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи божхона органига ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

23. Тўловчи шахс Божхона қўмитасининг расмий веб-сайтидаги шахсий кабинети орқали электрон тарзда шакллантирилган ҳолда тақдим этилиб, расмийлаштирилган БКОнинг электрон шаклини юклаб олиш имкониятига эга бўлади.

24. Расмийлаштирилган БКОнинг электрон шакли товарлар божхона назорати остида турган товар мақомини йўқотган ёки божхона органи томонидан мазкур Қоидаларда белгиланган хатти-ҳаракат ва тартиб-таомиллар амалга оширилган йилдан кейинги йилдан эътиборан уч йил давомида дастурда сақланади.

25. Мазкур Қоидалар талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси  
иктисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
22 майдаги 125-сон бўйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган айрим идоравий  
норматив-хуқуқий хужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 16 январдаги 01-02/8-1-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2856, 2017 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 65-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 1 марта даги 01-02/12-23-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2856-1, 2018 йил 9 март) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.03.2018 й., 10/18/2856-1/0873-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 8 июля даги 01-02/8-43-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2856-2, 2019 йил 15 июль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.07.2019 й., 10/19/2856-2/3427-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 29 августдаги 8/02-22-29-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2856-3, 2022 йил 11 октябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.10.2022 й., 10/22/2856-3/0911-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси иктисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 23 июндаги 41-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 3447, 2023 йил 14 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.07.2023 й., 10/23/3447/0484-сон) иловасининг 3-банди.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг 2024 йил 20 июнданги 12-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 19 июнданги 7-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати “Темурбеклар мактаби” ва “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейларига ўқишига кираётган фуқаролар ҳамда таҳсил олаётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

**2024 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3524.**

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasи huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil 26-iyundagi 2024-08-son “Yuridik shaxslarni yirik soliq to‘lovchilar toifasiga kiritishning mezonlarini belgilash to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori.

**2024-yil 1-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3172-3.**

3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 30 майдаги 7-қ/қ-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2024 йил 20 майдаги 7-2024/ҚҚ-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 20 майдаги 124-сон “Академик лицей, касб-ҳунар мактаби, коллаж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

**2024 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-3.**

4. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2024 йил 30 майдаги 8-2024/Б-сон “Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги бўйруғи.

**2024 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967-4.**

5. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 19-iyundagi 21/3-son “To‘lov tizimi operatorlari va to‘lov tashkilotlari faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori.

*2024-yil 4-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3431-1.*

6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 22 майдаги 125-сон “Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруғи.

*2024 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3525.*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 16 январдаги 01-02/8-1-сон “Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2856, 2017 йил 3 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2856-1, 2018 йил 9 март), (рўйхат рақами 2856-2, 2019 йил 15 июль), (рўйхат рақами 2856-3, 2022 йил 11 октябрь).

*2024 йил 6 октябрда давлат реестридан чиқарилади.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**